БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 156 (16.239) • 5 июль 1975 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин

ХОРАЗМ СОҲИБКОРЛАРИНИНГ ҲИММАТИ

Хоразм областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Областда мева тайёрлаш йиллик ва беш йиллик планлари муддатидан илгари бажарилди. Бу юксак маррани эгаллашда Хива, Хонқа, Ҳазорасп, Боғот, Янгиариқ районларининг боғбонлари катта ҳисса қўшдилар.

Областда мева тайёрлаш қизғин давом этмоқда.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

1975 БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

ҚУРУВЧИЛАРНИНГ МУҚАДДАС ИШИ

Шонли ишчилар синфининг шундай бир отряди борки, халқимиз уни эъзозлаб бунёдкор деб атайди. Ҳа, қурувчилик касби чиндан ҳам яратиш, бунёд этишдан иборат. Республикамиз қиёфаси кун сайин чирой очаётган, янги-янги саноат корхоналари, улкан иншоотлар янги шаҳар ва қишлоқлар барпо этилаётган экан, буларнинг ҳаммасида қурувчиларнинг қалб қўри, қайноқ нафаси бор. Узоққа бориб юрмай, шу беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида улар амалга оширган ишларга разм солинг-а: тўрт йил ичида олиҳиммат қурувчилар 17 миллиард сўмликка яқин капитал маблағ ўзлаштирдилар. Бу рақам бутун саккизинчи беш йиллик мобайнида ўзлаштирилганига нисбатан салкам тўртдан бир ҳисса кўпдир.

Ўтган тўрт йил мобайнида Олмалиқ химия заводининг иккинчи навбати, Бекобод сирланган идишлар ишлаб чиқариш комплекси, Бухоро ип газлама комбинати, Сирдарё ГРЭСи, Наманган трансформатор заводи, Зарафшон олтин чиқариш комплекси сингари гигант корхоналар қурилдики, улар республикамиз саноатининг фахри бўлиб қолди. Янги саноат комплексларининг ишга туширилиши индустриямиз меҳнатчиларининг беш йиллик топшириқларини ортиғи билан адо этишларига имконият яратиб бермоқда. Буни шундан ҳам кўрса бўладики, Узбекистонда саноат ишлаб чиқариши ҳажми беш йиллик план Директиваларига кўра тўрт йил ичида 36,8 процент ортиши керак бўлгани ҳолда 38,6 процент қилиб бажарилди.

Қурувчилар беш йилликнинг якунловчи йилини ҳам ана шундай зарбдор суръатлар билан нишонлашга азму қарор қилганлар. Якунловчи йилнинг биринчи ярмида қўлга киритилган ютуқлар шундан далолат бериб турибди. Ярим йил мобайнида ўтган йилнинг шу даврдагидан 17 процент кўп асосий фондлар ишга туширилиб, 7 процент кўп капитал маблағ ўзлаштирилди. Ҳамма қурилиш-монтаж министрликлари ва идоралари пудрат ишлари ярим йиллик планини муддатидан илгари бажариб қўйди.

Бу муваффақиятлар капитал қурилиш, халқ хўжалигининг бу муҳим тармоғига партия раҳбарлигини такомиллаштириш, қурувчи ва монтажчилар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш масалалари ҳамиша Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг диққат-марказида турганлиги туфайли қўлга киритилди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми «Тўқкизинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш ва КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун республика қурувчилари ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш соҳасида Узбекистон партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида юқоридаги муваффақиятлар мамнуният билан қайд этилди. Пленум шу билан бирга индустриямизнинг бу катта тармоғида юз бериб келаётган жиддий камчиликларни ҳам кўрсатиб, уларни бартараф этишнинг конкрет йўл-йўриқларини белгилаб берди.

Асосий камчилик шундаки, баъзи қурилишларда мажбуриятларни бажариш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмаётир, мусобақа натижаларининг маълум қилиб турилиши таъминланмаётир, меҳнатни ташкил этишда жиддий камчиликлар мавжуд, иш вақтининг беҳуда ўтиши, қурилиш техникасининг бекор туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Кадрлар қўнимсизлигини тугатишга жиддий эътибор берилмаётир, иқтисод ва тежамкорлик учун кураш чинакамига ташкил этилмаган. Қишлоқ қурилиши министрлиги бошланғич бўлинмаларининг учдан бир қисми, Қурилиш министрлиги ташкилотларининг 40 проценти план ва мажбуриятларни бажара олмаганлигининг сабаблари ҳам худди мана шундадир.

Қурувчилар олдида ўз миқёси ва қўлами жиҳатидан жуда катта вазифалар турибди. **«Олдимизда турган проблемаларнинг улкан кўламлари ва мураккаблиги кадрлар зиммасига янада юксакроқ талаблар қўяди,** — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар, Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида. — **Ҳозирги замон шароитида жамиятнинг ҳар бир аъзоси станок олдида туриб ишлайдими ёки комбайнни бошқарадими, илмий иш билан шуғулланадими ёки министрликка раҳбарлик қиладими, бундан қатъий назар, унинг ўзига, ўз фаолиятига нисбатан талабчанлик даражаси бошқача бўлмоғи лозим. Ҳамма ишнинг сифатини ошириш — бутун халқ хўжалигимизни ривожлантириш учун асосий проблема бўлиб қолди. Бу гап планларимизнинг сифатига ҳам, яъни уларнинг асосланган ва балансланган бўлишига ҳам тааллуқлидир. Бу гап ишлаб чиқариш аппаратининг бошланғич бўғинларидан тортиб, марказий хўжалик органларигача бўлган бошқарув фаолиятининг сифатига ҳам тааллуқлидир. Бу гап меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ҳам, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашга ҳам тааллуқлидир».**

Сифат ва самарадорлик беш йиллиги бўладиган ўнинчи беш йилликни мана шу юксак талаблар даражасида кутиб олиш қурилиш ташкилотлари, область, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи даражадаги энг муҳим вазифасидир. Ҳолбуки, баъзи партия комитетлари ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг ҳамма форма ва методларидан қурилиш ишларидаги мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш учун лозим даражада фойдаланмаётирлар. Мусобақадошларга мажбуриятларни бажариш йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, капитал маблағларни ишга туширилиадиган ва энг муҳим қурилишларга жамлаш йўли билан бу маблағларнинг самарадорлигини ошириш, янги қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш ва ўзлаштириш учун хўжалик раҳбарларига дуруст талабчанлик қилмаётирлар. Буюртмачи министрликлар, идоралар ва айрим корхоналар капитал маблағларни кўп объектларга тақсимлаб юборяётганликлари, асбобускуналарни ва махсус материалларни ўз вақтида етказиб бермаётганликлари, битказиладиган объектларда ишлайдиган кадрларни белгиланган муддатларда тайёрлашни таъминланмаётганлари орқасида ҳам ишга туширилиадиган ва бошлаб қўйиладиган қурилишлардаги иш суръати сусайиб кетмоқда. Химия, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида ишга туширилиадиган баъзи бир муҳим объектларнинг қурилишида қолоқликка йўл қўйилмоқда. Сирдарё ва Қашқадарё областларида уй-жой биноларини ишга туширилиш плани бажарилмаётир. Тошкент ва Наманган областларида мактаблар қурилиши, Фарғона ва Самарқанд областларида болалар муассасалари қурилиши орқада қолмоқда. Тошкент шаҳрида ва республиканинг баъзи областларида ҳунар-техника таълими билим юртлари қурилишида қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми Госпланга, Госстройга, Бинокорлик материаллари саноати, Қурилиш ва монтажлаш министрликлари ҳамда идораларига бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг қувватларини янада кўпайтириб, шу тарика республикадаги капитал қурилишнинг ўнинчи беш йилликда ортиб борувчи ҳажмларини материаллар ва конструкциялар билан тўла-тўкис таъминлайдиган даражага етказиш чораларини ишлаб чиқиб, планли равишда амалга оширишни топширди. Қурилишдаги фан-техника тараққиётининг ҳозирги замон йўналишларига мувофиқ равишда янги ва аввало енгил материаллар, конструкциялар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Қурилишда индустриялаш ва механизациялаш даражасини кескин ошириш, кичик механизация воситаларини кенг жорий қилиш ва қўл меҳнатини тугатиш, иш вақтидан, моддий-техника ресурсларидан ва қурилиш техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, илғор тажрибани, шу жумладан москвалик машҳур бинокор Николай Злобин методи асосида бригада пудратини ҳамда Орёл қурувчиларининг узлуксиз планлаштириш ва поток қурилиш тажрибасини кенг миқёсда жорий этиш асосида қурилишдаги қолоқликка барҳам бериш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини ошириш керак.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари қурилиш, монтаж, пойиҳа ташкилотларининг, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг фаолияти устидан контролликни кучайтиришлари, уларга кадрлар билан таъминланишда, нормал иш шароитларини яратишда, барқарор коллективларни шакллантиришда ёрдам беришлари зарур. Коллективларни беш йилликнинг якунловчи йили мажбуриятларини бажаришга ва КПСС XXV съездини муносиб кутиб олишга сафарбар қилиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз деҳқонлари Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатини кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Улар 1029 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 31 центнер ўрнига 45 центнердан «оқ олтин» олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир туп ғўзани меҳр билан парвариш қилиб, шонага-шона, гулга-гул қўшишяпти. Суратларда: ғўза парваришида пешқадамлик қилаётган Ойгул Дўстбоева ва колхоз далаларида культивация ўтказиш.

Г. Пун фотолари, (ЎзТАГ).

«ДЎСТЛИК» ОБИ-ҲАЁТИ

Самарқанддан қувончли хабар келди. Зарафшон дарёсининг қирғоғида қурилаётган «Дўстлик» насос станцияси ишга туширилди. Станциянинг агрегатлари ҳар секундда 2,5 куб метр сувни чиқариб бериш қувватига эга.

Станцияда ўрнатилган кучли агрегатлар эндиликда Зарафшон сувини «Уч қаҳрамон» совхозига ҳамда қўшни «Ленинград» колхози далаларига йўлламоқда.

Насос станцияси ўзбекистонлик ва тожикистонлик гидромеханизаторларнинг ҳамкорлиги натижасида бунёд этилди. Мураккаб шароитларга қарамасдан бу оби-ҳаёт манбаи муддатидан илгари ишга туширилди. Айниқса канал ўтадиган йўлларда жуда кўплаб портлатиш ишларини бажаришга тўғри келди.

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ВА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШНИНГ АВАНГАРДИДА

СОЮЗЛАР УЙИДА ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

4 июль куни Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида «Коммунистик ҳаракат тинчлик, социал ва миллий озодлик учун курашнинг авангардида» (Коммунистик Интернационал VII конгрессининг 40 йиллиги шарафига) мавзуидаги илмий конференция очилди. Конференцияни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, СССР Фанлар академияси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактаби уюштирди.

Конференция ишида таниқли совет олимлари, партия ва жамоат арбоблари, етакчи илмий муассасаларнинг вакиллари, партия, касаба союз ва комсомол активлари қатнашмоқдалар.

Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг Москвага келган таниқли арбоблари меҳмон сифатида ҳозир бўлдилар. Улар орасида Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди, Бразилия Ком. партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. К. Престес, Дания Компартиясининг Раиси К. Есперсен, Ливан Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Н. Шаун бор.

Конференцияни СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеев очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов кириш нутқи сўзлади.

Жаҳон коммунистик, ишчилар ва бутун антиимпериалистик ҳаракатининг ривожида унинг олга томон қилаётган ҳаракатида муҳим босқичлар бўлиб қолган шонли воқеалар ва саналар бор, деди у. Коммунистик Интернационалнинг VII конгресси ҳам шундай воқеалар жумласига киради.

Конгресс Ленин назариясига амал қилиб, уни ижодий қўллаб ва ривожлантириб, халқаро ишчилар синфининг объектив жиҳатдан етилган эҳтиёжларини ифодаловчи қарорлар қабул қилди, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг фашизмга ва уруш хавфига қарши, тинчлик, демократия ва социализм йўлидаги курашини янада юксалтиришни рағбатлантирди. Конгресс қабул этган ҳужжатлар революцион ижтимоий фикрни ривожлантиришга, халқаро коммунистик ҳаракат стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга муҳим ҳисса қўшди.

Коммунистлар ўз фаолиятларида марксизм-ленинизмнинг ўз моҳияти жиҳатидан муштарак, интернационал бўлган принципларига ҳамиша содиқ бўлиб келдилар, улар озодлик курашининг актуал масалаларига доимий чинакам ижодий ёндашдилар. Улар революцион принципиаллик билан тактик эпчилликни, ижтимоий ҳаётнинг янги эҳтиёжлари тақозосига қараб янги шиорларни дадил ўртага ташлаш билан шу шиорларни амалда рўёбга чиқаришга реалистик ёндашишни қўшиб олиб бормоқдалар. Қатъий илмийлик, реализм ва равшан истиқбол Ленин анъаналари асосида айни шу тарзда қўшиб олиб борилганлиги Коммунистик Интернационалнинг VII конгрессида коллектив бўлиб ишлаб чиқилган сиёсий йўл самарадорлигининг юксак даражасини таъминлади. Айни шу нарса бу йўлнинг жаҳон революцион жараёнининг шундан буёнги бутун ривожига, оммавий антифашист, демократик ҳаракатни авж олдиришга катта ва самарали таъсир ўтказишга асос бўлди.

Коммунистик Интернационалнинг VII конгресси ишлаб чиққан стратегик йўл-йўриқлар ҳужум қилиб келаётган фашизмга ва уруш хавфига зарба бериш вазифалари тақозоси билангина ўртага қўйилган мудофаа характеридаги йўл-йўриқлар эмас эди, — деди М. А. Суслов. — Бу йўл-йўриқлар ишчилар синфи ва унинг иттифоқчиларининг фашизмга, империалистик реакцияга қарши кураши демократик кучларни мустаҳкамлашга, халқ фронти режимларини ёки шу режимларга ўхшаш бўлиб, курашнинг социалистик босқичига яқинлашиш ва ўтишдан иборат антифашист демократик режимларни вужудга келтиришга олиб боради, деган жуда муҳим хулосага асосланган эди. Бу стратегик йўл-йўриқ Ленининг демократиядаги кураш йўли билан социализм йўлидаги курашнинг ўзаро боғланиши тўғрисидаги, бу курашда ишчилар синфи билан меҳнаткашлар бошқа табақаларининг кенг бирлиги ҳақидаги таълимотини конкретлаштириш ва ривожлантиришдан иборат эди. У дунёда рўй берган ўзгаришларни, умумдемократик ва социалистик вазифаларнинг бир-бири билан объектив равишда яқинлашиши ва чатишиб кетишини чуқур ҳисобга олган эди.

Коммунистик Интернационал VII конгресси ғояларининг ҳаётийлиги иккинчи жаҳон уруши йилларида чуқур намоён бўлди. Маълумки бутун дунёни асоратга солиш хавфини туғдирган гитлеризмга қарши курашнинг асосий оғирлигини Совет Иттифоқи ўз зиммасига олди. Коммунистик партия раҳбарлигидаги бизнинг мамлакатимиз фашизм устидан қозонилган тарихий ғалабага ҳал қилувчи ҳисса қўшди, яқинда биз шу ғалабанинг 30 йиллигини тантанали равишда нишонладик. Уруш йилларида герман босқичиларига қарши курашган барча тараққийпарвар кучлар Совет Иттифоқи теварагида жипслашди.

Дунё 40 йил муқаддам бўлганига нисбатан таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қуйидаги омиллар ҳозирги ривожланиш учун гоят характерлидир, деди сўнгра нотиқ. Биринчидан, мамлакатимизда коммунистик жамият муваффақиятли равишда қурилмоқда. Бу қурилиш, унинг муваффақиятлари, социализм афзалликлари билан фан-техника революцияси бирга қўшилаётганлиги, жумладан, коммунизм қурилишида олга томон қўйилган катта қадам бўлмиш тўқкизинчи беш йилликнинг тугалланиши дунёдаги синфий кучларнинг нисбатига, бутун жаҳон революцион жараёнига жуда катта таъсир ўтказмоқда. Иккинчидан, халқаро ишчилар синфининг энг асосий ғалабаси бўлган жаҳон социалистик системаси муттасил ривожланиб, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланиб бормоқда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳамкорлиги ҳар томонлама ривожланмоқда. Учинчидан, империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун курашда халқаро ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати янги-янги ғалабалар қозонмоқда. Тўртинчидан, капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашиб, унинг позициялари заифлашиб, унинг ҳамма зиддиятлари кескинлашиб бормоқда. Бешинчидан, жаҳон майдонида халқаро кескинликни юмшатиш сари бурилиш содир бўлмоқда, бунда СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳамда уларнинг изчил тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати жуда муҳим роль ўйнамоқда.

Бизнинг давримизда коммунистлар ва барча тинчлик курашчилари ҳамма жойда халқ оммасини уруш хавфига қарши, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун актив курашга сафарбар этиш борасида урушдан аввалги йиллардагига қараганда беқиёс кўп имкониятга эгадирлар. Жаҳон социализмининг иқтисодий ва мудофаа қудрати муттасил ўсиб, барча революцион ва демократик кучларнинг позициялари мустаҳкамланиб, империализмнинг позициялари янада заифлашиб бораётганлиги натижасида ҳозирги даврда янги жаҳон урушининг олдини олиш соҳасида реал имкониятларгина вужудга келиб қолмай, бундай урушни инсоният ҳаётидан мутлақо соқит қилиш учун шарт-шароитлар ҳам яратилмоқда. КПСС XXIV съезди социализм мамлакатлари, халқаро ишчилар, демократик ҳаракатнинг тинчлик йўлидаги кўп йиллик кураши якунларини жамлаб, дунё сиёсатининг шу муҳим проблемасининг энг зарур томонлари ва жиҳатларини, бу проблемаларни ҳал этишнинг конкрет, конструктив усулларини ифодалаб берган Тинчлик программасини ўртага қўйганида, айни шуларга асосланди.

Бугун биз айта оламизки, Тинчлик программасида ўртага қўйилган кўпгина вазифалар амалий равишда рўёбга чиқарилмоқда. Бу — Совет Иттифоқи, жаҳон социализми тинчликсевар сиёсати таъсирчанлигининг, бутун жаҳон ишчилар демократик ҳаракати, урушга қарши ҳаракатининг имкониятлари ўсганлигининг яққол далилидир!

(Давоми иккинчи бетда)

А. Н. КОСИГИН ЯПОНИЯ САВДО-САНОАТ ДОИРАЛАРИ НАМОЯНДАЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Японияннинг бир қанча бошқа компаниялари раҳбарлари билан биргаликда Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган «Тейдзин» фирмасининг президенти Синдзо Ояни, «Ниссе-Иваи» компаниясининг президенти И. Цудзини ва «Кобе Стил» компаниясининг маслаҳатчиси К. Тосимани 4 июль куни Кремлда қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида турли соҳаларда Совет Иттифоқи билан Япония ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга доир бир қанча масалаларга тўхтаб ўтилди.

Суҳбатда СССР ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари И. Ф. Семичастнов иштирок этди. (ТАСС).

А. А. ГРОМИКО РСР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ Ж. МАКОВЕСКУ БИЛАН СУҲБАТ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 3 июлда Руминия Социалистик Республикасининг ташқи ишлар министри Ж. Маковеску билан учрашди. Ж. Маковеску Монголия Халқ Республикасига бора туриб Москвада меҳмон бўлган эди. А. А. Громико билан Ж. Маковеску ўртасида ҳар икки томонни қизиқтираётган масалалар юзасидан дўстона суҳбат бўлди.

А. А. Громико Ж. Маковеску шарафига зиёфат берди. Зиёфат самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди.

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ВА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШНИНГ АВАНГАРДИДА

(Боши биринчи бетда).

Халқаро кескинлик юмшаган ва турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш муносабатлари мустаҳкамланган вазиятда «контрреволюцияни экспорт қилиш», деб аталган нарсанинг имкониятлари қисқариб бораётганлигига шак-шубҳа йўқ, деди М. А. Суслов сўзини давом эттириб. Аммо шу билан бирга империализм ва унинг агентураси кирдикорлари қаршисида ҳушёр бўлиб туриш барча тараққийпарвар, демократик кучларнинг муҳим вазифаси эканлиги ўз-ўзидан равшан. Шуни унутмаслик керакки, реакция, «совуқ уруш» кучлари ҳамон халқаро вазиятни кескинлаштиришга, тарих ғилдирагини орқага буриб юборишга интилмоқдалар.

Халқаро кескинликни юмшатиш жаҳон майдонида янги сиёсий вазиятни вужудга келтириш билангина чекланмасдан шу билан бирга капиталистик мамлакатлардаги ички аҳволга ҳам актив таъсир ўтказаётган шароитда антикоммунизм ва антисоветизмнинг кризиси кучаймоқда, ишчилар ва демократик ҳаракатни ривожлантириш учун янада қулай шароит вужудга келмоқда.

Халқаро воқеаларнинг бутун бориши давримизнинг марказида турган ва ҳозирги замоннинг энг илғор революцион синфи бўлган ишчилар синфининг жаҳоншумул тарихий вазифаси тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотнинг ҳаётийлиги ва актуаллигини яққол намойиш қилиб кўрсатмоқда, деб таъкидлади М. А. Суслов.

Шу тариқа ҳозирги ривожланишнинг энг муҳим омиллари жаҳон революцион жараёни янада кенгайиб ва чуқурлашиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Тинчлик, демократия ва социализм йўлидаги курашнинг янги имкониятлари шу билан боғлиқ эканлиги табиий.

Бизнинг партиямиз, деди сўзини давом эттириб нотиқ, ҳамиша халқаро коммунистик ҳаракатнинг отрядларидан бири сифатида ҳаракат қилиб келди ва ҳаракат қилмоқда. У ҳамиша халқаро коммунистик ҳаракатнинг тақдири билан ўзининг чамбарчас алоқасини сезиб туради, унинг муштарак иши учун, унинг тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм йўлида олиб бораётган жаҳоншумул курашидаги роли учун ўз масъулиятини англайди. Ленин ғояларига, интернационал бурчга содиқ бўлган КПСС ўз сиёсати билан шу курашга, бутун инсониятнинг ижтимоий тараққиётига кўмаклашишга интилиб келмоқда.

КПСС халқаро кескинликни юмшатишни янада мустаҳкамлашни, унга муқаррар тус беришни ўз вазифаси, деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг 1975 йил 13 июндаги йиғилишида сўзлаган нутқида бундай деб таъкидлади: «Ҳозир дунё шундай даврга қадам қўймоқдаки, бу даврда тинч-тотув яшаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш принципларини кундалик амалий ишларда мужассамлаштириш вазифаси биринчи ўринга чиқариб қўйилмоқда».

Биз буржуа идеологларининг халқаро кескинликни юмшатиш фақат коммунистларгагина фойда келтиради, деган гапни рўкач қилиб, чайқовчилик тусида айтаётган гапларини, тўқиётган уйдирмаларини қатъиян рад қиламиз. Ҳа, кескинликни юмшатиш бизга фойдали. Аммо у ҳамма халқлар ва давлатларга ҳам керакли ва фойдалидир. У бутун дунёда тараққиёт ишига хизмат қилади.

Коммунистик ҳаракат, деди сўнгра М. А. Суслов, ўзининг улуғ марксизм-ленинизм таълимотига, пролетар интернационализми идеалларига содиқлиги билан қувлидир. Айни вақтда коммунистик ҳаракатнинг турли босқичларида унинг интернационал бирлиги конкрет тарихий шароитларга мос келадиган формаларда намоён бўлади.

КПСС халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслиги ва бирлигини янада мустаҳкамлашни муҳим вазифа деб билади. Бу йўлда ҳозиргача бир талай муваффақиятларга эришилди. Антикоммунизм тарафдорларининг коммунистик ҳаракатни заифлаштириш, путур етказиш йўлидаги ҳар қандай уринишлари натижа бермайди. Бизнинг партиямиз ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг халқаро курашига, жаҳон озодлик курашининг энг муҳим масалаларини ишлаб чиқишга бундан буён ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, тинчлик, демократия ва социализм ишининг янги-янги ғалабаларига кўмаклашаверади.

Бизнинг партиямиз, — деди пировардида М. А. Суслов,—КПССнинг бўлажак XXV съездига тайёргарлик давомида коммунистик қурилишни давом эттириш режаларини ишлаб чиқаётган пайтда бу режаларнинг амалга оширилишини бутун жаҳон революцион жараёнини ривожлантиришга, халқаро ишчилар синфи ва унинг иттифоқчиларининг, планетадаги барча тараққийпарвар кучларнинг тинчлик, демократия, миллий ва социал озодлик йўлидаги курашига қўшиладиган ҳисса деб билади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев «Коммунистлар — фашизмга ва урушга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда» деган мавзуда доклад қилди.

Биз Коммунистик Интернационал VII конгрессининг 40 йиллигини нишонлар эканмиз, ўша йилларда озодлик ва демократияни кўкрак кериб ҳимоя қилган, фашизм ва уруш хавфига қарши чиққан бутун дунё коммунистларининг донишмандлиги, жанговар руҳи ва мардлигига бениҳоя чуқур ҳурмат бажо этамиз, деди у. Биз тарихий ривожланишнинг энг мураккаб, мушкул пайтларида коммунистлар меҳнаткашларнинг, бутун инсониятнинг бахт-саодати ва энг яхши келажаги учун курашчиларнинг биринчи сафларида бўлганликлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

VII конгресснинг тарихий аҳамияти пировард натижада шундан иборатки, деб таъкидлади Б. Н. Пономарев, у коммунистик ҳаракатни янги шароитларда—инсоният тарихининг энг мураккаб даврларидан бирида курашга ғоявий ва сиёсий жиҳатдан тайёрлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида коммунистлар ўзларининг ватанатларини курашчилар эканликларини кўрсатдилар ва ғалабани таъминлашга энг катта ҳисса қўшдилар, бу ғалабада биринчи социалистик давлат — СССР ҳал қилувчи роль ўйнади. Антифашист кучларнинг бирлиги қаршилик кўрсатиш ҳаракатида ўзининг конкрет ифодасини топди. Бу бирлик Европа ва Осиёнинг бир қанча мамлакатларида янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун негиз яратди.

Коммунистлар урушдан кейинги неча ўн йиллар давомида империализмнинг фашистик гуруҳи устидан қозонилган Улуғ Ғалаба натижаларига таяниб, яна тинчлик байроғини баланд кўтардилар. Модомики, ҳозир планетамиз осмонида урушнинг машъум булутлари сузиб юрмаётган экан, модомики термоядро фалокатининг олдини олишга ва империалистик агрессия йўлига ўтиб бўлмас тўсиқлар қўйишга муваффақ бўлинган экан, — бунда Совет Иттифоқи, жаҳон социалистик ҳамдўстлиги, коммунистик ҳаракатнинг жуда катта, чинакам тарихий хизмати бор.

Б. Н. Пономарев ҳозирги халқаро вазиятни таърифлаб, мустаҳкам тинчликни қўлга киритишнинг сифат жиҳатидан янги имкониятлари борлигини уқтириб ўтди. Энди-ликда тинчликни ҳимоя қилиш иши VII конгресс замонидагига қараганда анча салмоқли иш бўлиб қолди. Коммунистик партиялар фаолиятида янада каттароқ ўрин олиб турибди. Бунинг биринчи сабаби шуки, тинчлик учун кураш, ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлари билан айтганда, «ер юзидаги миллиард-миллиард кишиларга ҳамма нарсадан қадрлироқ нарса учун: яшаш ҳуқукининг ўзи учун, уни уруш алангасида куйиб кул бўлиш хавфидан омон сақлаш учун» курашдир.

Ҳозирги босқичда тинчлик учун кураш тинчликсевар кучларнинг янада кенг миқёсдаги бирлигини талаб қилади. Иккинчи жаҳон урушидан аввал бўлганидек, ҳозир ҳам айни коммунистик ҳаракат бундай бирликнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқмоқда.

Шу муносабат билан Б. Н. Пономарев кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш йўлидаги курашнинг баъзи бир актуал масалаларига тўхталиб ўтди. Ҳозирги пайтда, — деди у, — ер юзидаги юз миллионларча кишиларни: кескинликни юмшатишга қандай қилиб стабил, муқаррар тус берса бўлади, унинг самараларидан ҳар бир халқ ва ҳар бир кишининг манфаатлари йўлида, шу жумладан, бу сўзнинг энг бевосита, сезиларли, моддий маъносида қандай қилиб фойдаланса бўлади? — деган савол қизиқтирмоқда.

Совет Иттифоқининг бу саволга берадиган жавоби равшан, бунинг учун давлатлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларига риоя қилишлари, низоли масалаларни барча манфаатдор томонларнинг тенг ҳуқуқли иштироки асосида музокаралар йўли билан ҳал этиши борасида конструктив ташаббус ва тайёрлик билдиришларига эришиш лозим. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро муносабатларда ишонч муҳитини қарор топтиришга, қуролланиш пойгасини жиловлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, шу тариқа қуролланиш пойгаси ўпқонига ташланаётган миллиард-миллиардлаб ҳозирги ва келажак авлодларнинг энг муҳим ҳаётий проблемаларини ҳал этишга сарфланишига эришиш керак.

Халқаро кескинликни юмшатиш йўлида қилинаётган ҳаракат, деди сўзини давом эттириб нотиқ, — сиёсий курашдир. Ундаги ҳар бир қадам курашсиз қўйилмайди. Кескинликни юмшатиш душманлари бизнинг йўлимизда келтириб чиқараётган қийинчиликларни, қўяётган тўсиқларни камайтириб кўрсатиш катта хато бўлур эди. Аммо бу қийинчиликларнинг миқёсини бўрттириб юбориш, уни енгиб бўлмайдиган қийинчиликлар деб ҳисоблаш ҳам катта хатодир. «Совуқ уруш» тарафдорларининг қаршилиги қандай бўлмасин, планетамиздаги халқаро вазият тўғри йўлдан ривожланмоқда. Тинчликсевар кучлар олдида чинакам улкан вазифа — агрессиядан ташқи сиёсат қуроли сифатида фойдаланишга бутунлай барҳам бериш, давлатларнинг уруш тарихига нуқта қўйиш вазифаси турибди.

Докладчи жаҳон революцион жараёни проблемаларини таҳлил этишга ўтиб, коммунистик Интернационалнинг VII конгрессида бу проблемалар кенг миқёсда қўйилганлигини эслатди. Ҳозир биз, деди у, кўлами ва кенглиги жиҳатидан мислсиз равишда дунёни революцион тарзда ўзгартириш шоҳидлари бўлиб турибмиз. Марксчи-ленинчи партиялар хулосалар чиқариб, эндиликда жаҳон социал тараққиётининг фойдаси йўлида иш кўраётган кучларнинг ҳозирги аҳволи ва бениҳоя ошган имкониятларини ҳисобга олмоқдалар, деб таъкидлади нотиқ.

Ҳозир капиталистик мамлакатларда иқтисодий танглиқдан қутулиш йўллари тўғрисидаги масала хусусида бошланган кураш кескинлашиб бормоқда. Буржуазия танглик машқатини ишчилар синфи гарданига, меҳнаткашларнинг бошқа табақаларига, озроқ ривожланган мамлакатларнинг халқлари зиммасига юклашга интилмоқда. Аммо ҳозирги шароитларда монополияларга қарама-қарши бўлиб турган кучларнинг миқёси, характери ва уюшқоқлиги танглиқдан реакцион йўл билан «қутулиш»га йўл қўймаслик, олға томон ҳаракат қилишни — чинакам демократия сари социал тараққиёт йўлидан ҳаракат қилишни белгилайдиган илож топишнинг таъминлаш имконини беради. Ҳозир капиталистик мамлакатлардаги қардош партияларнинг куч-ғайратлари айни шу вазифани ҳал этишга қаратилди.

Б. Н. Пономарев коммунистик Интернационал VII конгрессининг шу масалага доир хулосалари ва ғоялари актуаллигини кўрсатиб, жумладан, ишчилар ҳаракатининг бирлиги ва, аввало, коммунистлар билан социал-демократлар ўртасидаги муносабатлар проблемасига эътиборни жалб қилди. Коммунистик партияларнинг ишчилар синфи бирлиги учун изчиллик ва собиқадамлик билан олиб бораётган кураши муайян натижалар берди.

Шу билан бирга докладчи айниқса Португалиядаги воқеалар муносабати билан баъзи бир социал-демократик раҳбарларнинг ҳаракатлари келтираётган зарарни таъкидлаб ўтди. КПСС, деди докладчи, имконияти ва зарурати бўлган жойларда коммунистлар билан социал-демократларнинг бирликда ҳаракат қилишига кўмаклашиб, социал-демократиянинг сиёсати ва пропагандасидаги антикоммунистик, антисовет туҳматлар ва ҳаракатларнинг тўхтатилишига қатъият билан интилмоқда, социал демократизм идеологияси ва сиёсатини далил-исботлар асосида конкрет танқид қилмоқда ва қиларади.

Докладнинг якунловчи қисми ҳозирги антикоммунизмга қарши кураш масалаларига бағишланди. Кейинги ойларда, — деди докладчи, — социализм душманларининг антикоммунистик активлиги кучайганлиги сезилиб турибди. Сийқаси чиққан уйдирмалар, сохта гаплар ва шу сингарилар яна ишга солинма бошланди. Аммо ҳозирги антикоммунистларнинг истиқболи ачинарлидир. Реал социализм, жаҳон коммунистик ва бутун озодлик ҳаракати ҳамда бунда қатнашаётган ўнлаб давлатлар, партиялар, ташкилотлар симосидаги жуда катта моддий кучнинг олға томон қилаётган тинимсиз ҳаракатини тўхтатиб бўлмайди.

Биз яшаб турган давр жаҳон ривожининг ҳамма соҳаларида жўшқин ва чуқур ўзгаришларга бой бўлган шонли, масъулиятли давр бўлиб тарихга ёзилади. Бу давр—катта истиқболлар ва умидлар, айни вақтда асосли ташвишлар давридир.

Марксчи-ленинчи партиялар ўз масъулиятларини яхши англайдилар ҳамда ўз бурчларини пировардигача адо этишга тайёр ва қодир эканликларини иш билан исботламоқдалар. Коммунистлар энг катта сиёсий жангларнинг — халқлар тинчлиги ва ҳавфсизлиги йўлидаги, халқларнинг миллий ва социал озодлиги йўлидаги реакцияга ва империалистик агрессияга қарши, демократия, миллий мустақиллик, социализм ва коммунизм йўлидаги жангларнинг бош йўналишида ҳамиша ҳаракат қилиб келдилар ва ҳаракат қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи коммунистлари ҳам ўзларининг бутун кучларини шу курашга сарф қилмоқдалар, деди пировардида Б. Н. Пономарев. Ленин таълимотига содиқ бўлган коммунистик ҳаракат тарихий умидворликка тўлиб-тошган. Бу ҳаракат ўзининг жанговар ва шонли ўтмиши билан фахрланибгина қолмайди. У келажакдаги жанглар тинчлик ишига, демократия ишига, социализм ишига янада кўпроқ муваффақиятлар келтиришини биладн.

Конференция қатнашчилари Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корвалан ва фашистлар зиндонида азоб чекиб ётган Чилининг бошқа ватанпарварлари номига яқдиллик билан табрикнома йўлладилар.

●

Ялпи мажлис тамом бўлгач секциялар иш бошлади: КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтида «Жаҳон ривожидаги янги ҳодисалар ва ишчилар ҳаракатининг барча антиимпериалистик кучларнинг янги имкониятлари» секцияси ишлай бошлади. (ТАСС).

ЗВЕЗДНИЙ КОСМОНАВТЛАРНИ КУЗАТИБ ҚОЛДИ

Космонавтларни ноёб экспериментга узоқ муддат тайёрлаб бўлингандан кейин Совет—Америка космик парвозида қатнашадиган совет экипажлари 3 июль куни старт жойига учиб кетишди.

Космонавтларни кузатиш учун, шу учиш учун «Союз» кемасини яратишда қатнашган мутахассислар, учишни бошқариш марказининг инженерлари, космонавтларнинг қариндош-уруғлари ва дўстлари Звездний шаҳарчасига келдилар.

Космодромга учиб кетаётган экипажлар парвоздан олдин ўзларини стартга тайёрлаган ҳамма кишиларга миннатдорчилик билдирадилар.

Совет космонавтларини тайёрлаш раҳбари авиация генерал-лейтенанти В. А. Шаталов билан тайёргарлик марказининг бошлиғи авиация генерал-майори Г. Т. Береговой экипажлар билан бирга Бойқўнғирга учиб кетдилар.

— Биз ўзимиз тайёрлаган космонавтларга ишончимиз комил, — деди Г. Т. Береговой. — Аммо уларнинг асосий имтиҳони ҳали олдинда. Бу имтиҳон «Союз» кемаси учун 15 июль соат 15 дан 20 минут ўтганда янграйдиган «Пуск» командаси билан бошланади.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
А. РОМАНОВ,
ТАСС мухбирлари.

Звёздний шаҳарчаси.

АҚШ ПАРЛАМЕНТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ЛЕНИНГРАДДА

ЛЕНИНГРАД, 3 июль. (ТАСС). Бу ерда меҳмон бўлиб турган АҚШ сенатининг делегацияси Ленинград шаҳар совети ижроия комитетида бўлди. Икки ўртадаги суҳбатда КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. И. Аристов, Ленинград область совети ижроия комитетининг раиси А. Н. Шибалов ва СССР Олий Советининг депутатлари қатнашдилар.

Бу учрашувда сўзга чиққан сенатор А. Рибикофф бундай деди: СССРга қилган визитимиз бизга кўп нарса берди. Биз келгусида шу тўғрида ўйлаб кўришимиз керак. Бизда совет халқидан кўп нарсани ўрганишимиз мумкин, деган таассурот қолди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг делегацияни қабул қилганлиги ҳамда у билан ошкора ва фойдали суҳбат ўтказилганлиги, деб таъкидлади у, делегация учун катта шараф бўлди. Л. И. Брежневнинг тинчлик ишига садокати бизда чуқур таассурот қолдирди.

●

АҚШ сенаторлари шу куни Смольнийда бўлиб, тарихий мажлислар залини, В. И. Ленининг иш кабинети ва музейга айлантирилган хонасини кўздан кечирдилар.

Улар Пискарев мемориалида она-Ватан монументига гулчамбар қўйдилар.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми тарих фанини ривожлантиришдаги ва кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети СССР тарихи кафедрасининг мудири профессор Юрий Николаевич **Алескеровга** «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонини берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари учун «Узбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журнали партия қўмитаси бўлимининг редактори Михаил Павлович **Бессоновга** «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонини берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотидаги узоқ йиллик, самарали иши учун «Фан» нашриётининг редактори Акбар **Ҳусайновга** «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонини берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми авторлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш органларидаги узоқ йиллик, самарали иши учун Узбекистон авторлик ҳуқуқи бўлимининг Тошкент шаҳридаги вакили Жангерей Қозиевич **Мирзаевга** «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонини берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика театр санъати соҳасидаги хизматлари учун Каттақўрғон ўзбек драма театрининг актёри Раҳмон **Ризаевга** «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонини берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми узоқ йиллик иши ҳамда Самарқанд областидаги йўл хўжалигини ривожлантириш ва такомиллаштиришдаги актив иштироки учун Хатирчи йўл ремонт-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Ражаб **Усмоновга** «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган винокор» фахрий унвонини берди.

«КОСМОС-748» ПАРВОЗДА

1975 йил 3 июлда Совет Иттифоқида Ернинг назбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-748» учирилди.

Йўлдош бортига космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

В. БРАНДТНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

Германия социал-демократик партиясининг раиси Вилли Брандт рафиқаси билан 4 июль куни Ленин комсомоли номли Москва автомобиль заводини бориб кўришди.

«Автомосквич» бирлашмасининг бош директори В. П. Коломников меҳмонларни заводнинг иши билан таништирди. В. Брандт цехларни, бош конвейерни кўздан кечирди. У корхонанинг спорт комплекси билан ҳам қизиқиб танишди.

Техника хизмати кўрсатиш станциясида В. Брандт завод ёшлари билан учрашди. Ленин комсомоли номли автомобиль заводи партия комитетининг секретари А. К. Жидков В. Брандтни табриклади.

Учрашувда йиғувчи слесарь, коммунистик меҳнат зарбдори Виктор Кузмичевский нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати урушни инсоният ҳаётидан абадий соқит қилиш учун иложи бўлган ҳамма ишларни қилаётганликларини таъкидлаб ўтди. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати ана шундай иш тутиб, деди ишчи, бизнинг наҳ казимизни, ишчилар, бутун совет халқи наказини бажармоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев тинчлик учун актив, изчил курашчи сифатида бутун дунёда жуда катта обрў-эътиборга сазовор бўлганлиги билан фахрланамиз.

В. Брандт КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан қилган суҳбати муҳим суҳбат бўлиб, ҳамжиҳатлик вазиятида ўтганлигини таъкидлади.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан буён, деди, сўнгра, В. Брандт 30 йил ўтди, бу уруш мамлакатингизга беҳисоб ғам-ғусса ва кулфатлар келтирди. Бинобарин биз ана шу тарихнинг асоратини ҳали ҳам сезиб турибмиз. Лекин биз ана шу тарихнинг асирлари бўлмаслигимиз керак. Биз тинчликни узоқ давом этадиган, барқарор ва муқаррар тусга айлантириш учун ўзимизнинг бутун кучимизни бағишлашимиз керак.

Заводни кўздан кечирган чоғда автомобиль саноати министрининг ўринбосари В. А. Гурушкин В. Брандтга ҳамроҳ бўлди. (ТАСС).

«СССР—ГФР» ЖАМИЯТИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

4 июль куни «СССР — ГФР» жамияти активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда Германия социал-демократик партияси раиси В. Брандт иштирок этди.

Жамият раиси Л. М. Замятин йиғилишни оча туриб, В. Брандтни ва унинг рафиқаси Р. Брандтни жамият аъзолари ва активлари номидан табриклади, жамият фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Вилли Брандт мажлис аҳли ҳузурида нутқ сўзлади.

Европада тинчлик иши, деди у, ҳақиқатдан ҳам олға қараб силжиди. Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар буни кўрсатиб турибди. Биз «совуқ уруш» даврини орқада қолдирдик. Бироқ бу ҳол, биз биламизки, барча низолар ва келишмовчиликларни бартараф қилмайди зинҳор. Ижтимоий ва сиёсий системалардаги тафовут ўзгармай қолаверади. Идеологик зиддиятлар бартараф қилинганлиги йўқ, бинобарин, бу зиддиятларни хаспўшлашдан ҳеч ким манфаатдор эмас.

Шўни айтиш мумкинки, деб давом этди, В. Брандт, бизнинг шарқий сиёсатимиз икки томонлама муносабатлар доирасидан анча нари чиқиб кетадиган амалий ҳамкорлик даврига қўл урди. У ГФР билан СССР ўртасида шартнома имзоланганидан кейин ўтган беш йил ҳар икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги сиёсий мулоқот анча интенсив бўлиб қолганлигини мамнуният билан қайд қилди. Федерал канцлер Г. Шмидтнинг ўтган йил октябрида Москвага қилган визити ҳам ана шундан далолат бериб турибди. Иқтисодий ҳамкорлик соҳасида муваффақиятларга эришилгач ГФР билан СССР халқлари ўртасида маданий ҳамкорлик ўсди.

Бизнинг сарфлаган куч-ғайратимиз, деб таъкидлади у, кўпгина бошқа мамлакатларнинг икки томонлама куч-ғайратлари билан бир қаторда Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашни тайёрлаш соҳасидаги музокараларнинг натижасига таъсир кўрсатди. Бу кенгаш яқин вақт ичида тугайди.

Биз бу йил,—деб давом этди В. Брандт, — Германия Федератив Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 20 йиллигини нишонлаймиз. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: фақат дипломатия муносабатлари муносабатларни нормаллаштиришнинг кўрсаткичи бўла олмайди. 1955 йилдан буёғи алоқа муҳим алоқа бўлиб қолади, лекин биз бу алоқани 15 йил ўтгандан кейингина бошлаганлигимиз муносабатларимизни янги негизга қўйди. 1970 йил август шартномаси ҳеч кимга зарар келтирмади: бу шартнома бизнинг мамлакатларимиз учунгина эмас, шу билан бирга кўпгина бошқа давлатлар учун ҳам фойдали бўлди. Тўрт давлатнинг 1971 йил сентябридаги битими бу соҳада ўзининг катта аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Менинг фикримча, — деб таъкидлади В. Брандт, — СССР билан ГФР ўртасидаги шартноманинг моҳияти манфаатлар зиддиятини ёки келишмовчиликларни куч ишлатиш йўли билан бартараф этишга йўл қўймасликдан иборат эди. Бу сиёсий эътиқод халқаро ҳуқуқий мажбуриятга айлантирилди.

Низоларни ҳал қилган чоғда куч қўлланишдан воз кечиш кўпдан буён амал қилиб келинаётган асосий принципдир. Мамлакатларимиз ўртасидаги шартномани тактика масаласидан иборат деб ҳисоблаш ва шундай дейиш мумкин эмас. Бу шартноманинг вақти чегараланмаган.

Биз, деди сўнгра В. Брандт, ишни бошлаб юбордик, лекин биз бу билан чекланиб қололмаймиз. Ишончсизликнинг камайганлиги ишончга эришилганлигини билдирмайди албатта. Ҳозирги вақтда Европа марказида ўтмишда бирон вақт бўлганидан кўра вайронагарчилик келтирувчи куч кўп тўпланган. Қўшин ва қурол-яроғларнинг, шу жумладан, қирғин келтирувчи ядро воситаларининг даҳшатли аслаҳахонаси тўпланганлиги «совуқ уруш» оқибатидир. Бунда ўтмишнинг таъсири бор. Бироқ, у сўзнинг том маъносида ҳозирги даврга тўғри келмайди. Биз ўз мажбуриятларимиздаги бирон моддани ўзгартирмай, мардлик кўрсатишимиз ва «совуқ уруш»га қайтишни чиппакка чиқарадиган сиёсатни ўтказишимиз лозим.

Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашни тугаллаш йўлида турган баъзи қийинчиликлар бартараф қилинганида ҳам мен бу ерда тилга олиб ўтган вазифалар сеҳрли таёқча амри билан ҳал қилинмайди. Бироқ, менинг фикримча, Хельсинкида гап кенгашни тугаллаш тўғрисида эмас, бу ҳақдаги гапни бошлаб юбориш ҳақида боради. Ҳукуматлар келишиб олинган текстларни ҳаётий мазмун билан бойитиш учун конкрет қандай чоралар кўраётганликлари тўғрисида бир-бирларини ва ўз халқларини хабардор қилишлари муҳимдир.

Ўзидан-ўзи етарли даражада қийин бўлган Европа проблемаларидан ташқари, деб давом этди у, — биз бутун дунё майдонига нигоҳ ташлашимиз лозим. Биз танисак ҳам, ганимасак ҳам дунёмиз ягона бир бутун бўлиб қолди.

В. Брандт ўз нутқининг охирида бундай деди: энди 2000-йил иккинчи жаҳон урушининг охиридан кўра яқинроқдир. Агар биз олдинга назар ташлайдиган бўлсак, кескинликнинг юмшаши ва амалий ҳамкорлик бирдан-бир истиқболга эгадир.

Реализм ва сезгирлик кўрсатиб, бошлаган йўлни дадил давом эттириш ҳар икки томон учун ҳам яхши бўлса керак деб ўйлайман.

«СССР — ГФР» жамиятининг йиғилишида совет жамоат арбоблари, таниқли олимлар, маданият арбоблари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ ҲАМКОРЛИГИ

4 июль куни Москвада Совет—Франция доимо ишлаб турадиган аралаш комиссиясининг X сессияси иш бошлади.

Сессияда Совет делегациясига СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Фан-техника давлат комитетининг раиси В. А. Кириллин, Франция делегациясига Франция экономика ва молия министри Ж. П. Фуркад бошчилик қилмоқда.

В. А. Кириллин сессияни оча туриб, комиссия ўз ишини кескинликнинг юмшашидан, ҳавфсизлик, тинчлик мустаҳкамланаётганлигидан, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ривожланаётганлигидан далолат берувчи жараёнлар халқаро ҳаётда рўй бераётган бир пайтда бошланганлигини таъкидлаб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан Франция президенти Валери Жискар д'Эстэннинг 1974 йил декабрида бўлган амалий учрашуви, деб таъкидлади В. А. Кириллин Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги ҳамкорликни янада муваффақиятли ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. (ТАСС).

«САЛЮТ-4» ЕР АТРОФИНИ 3.000 МАРТА АЙЛАНИБ ЧИҚДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 4 июль. (ТАСС). «Салют-4» орбитал станцияси 4 июль Москва вақти билан соат 11 гача Ер атрофини 3000 марта айланиб чиқди.

Петр Климук билан Виталий Севастьянов 3 июль куни шундан олдин бошлаган кумушсимон булутларни тадқиқ қилишни давом эттирдилар. Космонавтлар экспериментларни ўтказмоқ учун станцияни планетанинг тунги томони узра мослаштириб кумушсимон булутларни спектрографиялаш ва фотосуратга олиш ишини бажардилар. Сўнгра космонавтлар жанубий геомагнит қутб районда кузатилиб турган қутб нурланишларини ҳудди ана шундай тадқиқ қилдилар. Ернинг юқори атмосферасида физикавий ҳодисаларни ана шундай санаб ўтилган комплекс тадқиқотлар космик парвозлар практикасида биринчи мартда ўтказилди.

СССР Фанлар академияси Қрим астрофизика обсерваториясидан олинган оператив тавсияларга кўра 4 июлдаги иш куни программасига орбитал қуёш телескопи билан экспериментлар ўтказиш киритилди. Космонавтлар қуёш гардишининг ғарбий қисмида кузатилиб турган актив соҳасини тадқиқ қилдилар.

Петр Климук билан Виталий Севастьяновнинг соғлиги дуруст ва улар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. «Салют-4» станциясининг системалари ва илмий аппаратлари нормал ишлаб турибди. Парвоз давом этмоқда.

МЕДАЛЛАР ТОПШИРИЛДИ

Совет Қуролли Кучларининг шонли анъаналарини пропаганда қилиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида актив иш олиб бораётган Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан катта бир группаси 4 июль куни Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округининг музейига келди. Бу ерга генерал ва офицерлар, шунингдек тинч бунёдкорлик меҳнатида муваффақият қозонган собиқ фронтчилар тўпланишди.

Улуғ Ватан урушида совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари қозонган ғалабанинг 30 йиллиги шарафига уруш ветеранлари совет комитети таъсис этган эсдалик медаллари тантанали вазиятда тўпланганларга топширилди.

Мукофотларни Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко топширди. (ЎзТАГ).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ун ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган Узбекистон ССРда яшовчи 365 кўп болали онага СССР Олий Совети Президиумининг 1975 йил 27 июнь фармонига биноан «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилади. (ЎзТАГ).

Келажакда Жиззахда йирик тўқимачилик саноати вужудга келади. «Малика» фирмасида кўплаб жиззахлик ёшлар трикотаж тўқиш жараёнлари билан танишиб махсус курсларда ўқишяпти. Суратда: «Малика» фирмасининг илғор ишчиси Нури Эргашева бўлғуси трикотажчиларни тик ўроб машиналарининг ишлаш принциплари билан таништиряпти.

В. Сиротнин фотоси.

5 ИЮЛЬ — ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Бугун жаҳон кооператорлари ўзларининг анъанавий байрамларини — Халқаро кооперация кунини эллик учинчи марта нишонламоқдалар. Халқаро кооперация куни жаҳондаги барча кооператорларнинг тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашдаги бирлигини намойиш қилади. Совет матлубот кооперациясининг кўп миллионли ходимлари бу йил ўз байрамларини юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик шароитида нишонламоқдалар. Мамлакатимиз меҳнаткашлари партия XXIV съезди белгилаб берган улуғвор программани муваффақиятли бажармоқдалар ва КПСС XXV съездини янги ютуқлар билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

КПСС XXIV съездининг меҳнаткашлар моддий фаровонлигини ошириш тўғрисидаги қарорларини амалда бажаришда матлубот кооперациясининг роли каттадир. Совет матлубот кооперацияси мамлакатимиздаги энг оммавий ижтимоий-хўжалик ташкилотларидан биридир. У Ўзбекистоннинг ўзидагина 2 миллион 300 минг пайчини ўз сафларига бирлаштиради ва 8 миллиондан зиёд қишлоқ аҳолисига хизмат қилади. Қишлоқ меҳнаткашларига ҳар куни 20 мингдан ортиқ магазин ва 8 минг умумий овқатланиш корхонаси хизмат қилаётир.

Қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантиришдаги катта муваффақиятлар, қишлоқ аҳолиси даромадларининг ортганлиги товар оборотининг тез юксалишига ва қишлоқда савдонинг ривожланишига ёрдам берди.

Қишлоқда савдо товар обороти КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тез ривожлантириш программасини ишлаб чиққан март Пленумидан сўнг тез ўсди. Ўтган ўн йил ичида чакана савдо товар обороти 2,3 баравар кўпайди. Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида республикамизда товар обороти 33,8 процент ошган бўлса, шу вақт ичида кооперация системасида 36,2 процент ошди.

Шуниси характерлики, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек маданий-маиший ва рўзғор буюмлари харид қилиш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Мисол учун 1964 йилда қишлоқ аҳолисига 11,7 миллион сўмлик мебель сотилган бўлса, 1974 йилда 55 миллион сўмлик мебель сотилди.

Республика кооперативлари пахтакорларга савдо хизмати кўрсатишни муттасил яхшилаш билан бирга қишлоқда умумий овқатланишни ривожлантиришга ва яхшилашга ҳам жиддий эътибор бермоқдалар. Ҳозирги вақтда район марказларида, колхоз ва совхозларда, дала шийпонларида жойлашган ошхоналар, ресторанлар, чойхоналар ва кафелар бир вақтнинг ўзида чорак миллион кишига хизмат қилиши мумкин.

Колхозчилар, совхоз ишчилари сув кам бўлган бу йилги шароитда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилишаётган бир даврда матлубот кооперацияси ходимлари бевосита далада савдо хизмати кўрсатишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳозир далаларда мингдан ортиқ автодўконлар ва 1600 та сотувчисиз дўконлар ишлаб турибди.

Қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун кооператив ташкилотлар ўз корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни йил сайин кенгайтирмоқдалар. Консерва ҳамда пиво ва алкогольсиз ичимликлар заводлари, новвойхоналар, кондитер цехлари ва бошқа корхоналарни қуриб ишга туширмоқдалар. Сўнгги беш йил ичида кооперация корхоналарида 500 миллион сўмлик турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бироқ республикамиздаги сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг ресурслари бундай маҳсулотларни қайта ишлашни янада кўпайтиришга имкон беради.

Қишлоқ кооперативлари ҳал этаётган муҳим иктисодий ва социал вазифалардан бири — уйда нон ёпишни саноат йўли билан тайёрлашга алмаштиришдан иборат. Бунинг учун нон ишлаб чиқаришни уч баравар кўпайтириш, жумладан умумий нон маҳсулотларининг ҳажмида тандир нон салмоғини 70-80 процентга етказиш талаб қилинади. Биз бу вазифани ҳал этсак, колхозчиларнинг уй шароитида нон тайёрлаш каби машаққатли ишдан халос қилган бўламиз.

Қишлоқда савдонинг моддий-техника базаси йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда ва янгиланмоқда. Сўнгги ўн йил ичида қишлоқда савдонинг моддий-техника базасини ривожлантиришга 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шу вақт ичида 5 мингдан ортиқ йирик замонавий магазинлар, мингга яқин ресторан, кафе ва ошхона, 20 та районлараро савдо базаси ва бошқа кўплаб объектлар қурилди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ жойларда савдо маданияти, ассортиментнинг мавжудлиги ва бошқа кўрсаткичлари жиҳатидан шаҳар корхоналаридан қолишмайдиган савдо корхоналари ишлаб турибди.

Шуни ҳам айтмоқ керакки, матлубот кооперацияси қишлоқда йирик замонавий савдо корхоналарини бунёд этиб, қишлоқни қайта қуришга, социалистик типдаги посёлкаларни вужудга келтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Кооператорлар ўртасида шу кунларда якунловчи йил ва умуман тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун мусобақа қизғин тус олиб кетди. Кооперация ташкилотлари ва корхоналарида социалистик мусобақа янада оммавий тус олибгина қолмай, конкрет ва таъсирчан бўлиб қолди. Сўнгги йиларда «Ўз касбининг устаси» деган номни олиш учун мусобақа кенг ёйилди. Меҳнатга коммунистик муносабат учун ҳаракатда 40 мингга яқин кооператор қатнашмоқда. 1974 йил социалистик мусобақа якунларига кўра, республикадаги 2600 кооператор «1974 йилги социалистик мусобақа ғолиби» нишони билан тақдирланди, 68 ходим «Тўқкизинчи беш йиллик зарбдори» нишони билан мукофотланди, мингдан ортиқ қишига Центросоюз ва касаба союз Марказий Комитетининг фахрий дипломлари берилди.

Беш йилликнинг якунловчи йили планлари ва кооператорларимиз ўз зиммаларига олган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилянти. Товар обороти ярим йиллик планини Қорақалпоғистон Автоном Республикаси матлубот союзи ва ҳамма область матлубот союзлари ошириб бажардилар. Планга қўшимча равишда қишлоқ аҳолисига 15 миллион сўмлик товар сотилди.

Шу билан бирга матлубот кооперациясининг қишлоқ аҳолисига савдо хизматини ташкил этиш ишида ҳали камчиликлар ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Кўпгина кооператив ташкилотлари планларни муваффақиятли бажариш учун мавжуд имкониятлар ва резервлардан тўла фойдаланмаётирлар. Бир қанча жойларда айрим товарлар билан савдо қилишда узилишга йўл қўйилмоқда, совет савдоси қоидаларини бузиш ҳоллариига ҳали бутунлай чек қўйилган эмас. «Ўзбекбирлашув» правленеси бундай камчиликлар ва нуқсонларга қарши муросасиз курашни қатъият билан давом эттиради.

Ўзбекистон кооператорларининг кўп минг кишилик отряди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан қишлоқ меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатишни, умумий овқатланишни ташкил этишни яхшилаш билан уларнинг ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришларига, мамлакатга 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етиштириб беришдек юқсак социалистик мажбуриятни муваффақиятли уддаларига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

М. ҲАСАНОВ,
«Ўзбекбирлашув» правленеснинг ранси.

Фан ва техника янгиликлари

Браззавилда СССР билан Конго Халқ Республикаси ўртасида 1975 йилда илмий ҳамкорлик тўғрисидаги план имзоланди.

План Совет Иттифоқининг миллий кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш соҳасида Конго Халқ Республикасига берадиган ёрдамини кенгайтиришни кўзда тутади.

●

Финляндия пойтахтида атом энергияси халқаро агентлиги мутахассисларининг анжумани очилди. Симпозиумда 40 мамлакатдан келган мутахассислар, шу жумладан, Совет Иттифоқи, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия мутахассислари қатнашмоқдалар. Симпозиум қатнашчилари атроф теваракдаги муҳитни атом электр станциялари чиқиндилари билан ифлосланишидан ҳимоя қилиш масалаларини қараб чиқадилар.

●

Финляндиянинг Ювяскюль шаҳрида биомеханикага бағишланган 5-халқаро конгресс очилди. Бу конгрессда Финляндия мутахассислари билан бирга турли мамлакатлардан келган 450 га яқин олим қатнашмоқда.

●

Софиядаги электр ва мотокар илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари оғир контейнерларни ташиш учун уч ғилдиракли янги электрокар тайёрлади.

Болгарияда пневматик шинада ишловчи ана шу биринчи машина 1.200 килограммгача оғирликдаги юкни 2,7 метр баландликка кўтара олади. Враца шаҳридаги электрокарлар заводида бу янги моделни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

(ТАСС).

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Қамаши районидаги «Коммунизм» колхозининг Гулбаҳор Нуруллаева бошлиқ маккажўхоричилик комсомол ёшлар бригадаси аъзолари 50 гектар майдондаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 100 центнердан «қаҳрабо дон» олишга аҳд қилишган. Бригада коллективи астойдил меҳнат қилиб, мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Маккажўхори экини ўз вақтида суғорилянти ва қатор оралари сифатли юмшатилянти. Суратда: бригада бошлиғи Гулбаҳор Нуриллаева.

А. Тўраев фотоси.

ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

редакция почтасидан

«Совет Ўзбекистони» кеча 57 та хат, тўртта фотосурат олди. Уларда шу куннинг энг муҳим масалалари ҳақида қалам тебратилади.

ЯХШИ ҲОРДИҚ — ТАНГА ОЗИҚ

«Қибрай» дам олиш уйининг дарвозасидан киришингиз биланоқ гулларнинг муаттар ҳиди димоғингизга урилади. Тангадек офтоб тушмайдиган хиёбон дам олувчилар билан гавжум. Сўлим чойхонада гурунг авжида. Бир пиёла чой баҳона суҳбатга қўшиламиз.

— Мен, Фарғонаданман, — дейди Ғанижон Олимов, — келганимга бир ҳафтача бўлди, лекин бу оромгоҳни ўз уйимдек яхши кўриб қолдим. Дам олиш уйи ходимлари ҳам хушмуомала, меҳмондўст, дилкаш одамлар экан. Маданий ҳордиқ чиқаришимиз учун қулай шароитлар яратиб бераётган дам олиш уйи маъмуриятидан миннатдормиз. Бу ерда зерикишга вақт йўқ. Турли экскурсияларга олиб чиқишади. Кечқурунлари қизиқарли кинофильмлар намойиш қилинади, рақс кечалари бўлади.

Дам олувчилардан ўртачирчиқлик Л. Фурцет ва тошкентлик С. Чесновалар ҳам юксак маданий хизмат кўрсатилаётганидан мамнун эканликларини изҳор этишди.

Кўшни «Октябрь ўн йиллиги» дам олиш уйида аҳвол бошқачароқ. Бу ерда 800 дан зиёд киши дам олади. Шулардан 260 таси ёш болалардир. Оромгоҳ ёқалаб Бўзсув канали оқади. Соя-салқин, сўлим жой. Бироқ, дам олувчилар маданий-маиший хизмат кўнгилдагидек эмаслигидан нолишди. Ҳақиқатан ҳам, дам олиш уйида якшанба кунлари чойхона ишламас экан. Бунинг устига на шахмат ва на шашка, домино бор. Рақс кечалари бўлиб турганида музика репертуари бир хил. Клубда эса миллий музика асбоблари чанг босиб ётибди. Экскурсиялар ташкил қилинмайди. Киоска негадир якшанба куни ишламайди. Душда кўпинча совуқ сувга ювинишга тўғри келади.

Икки дам олиш уйидаги икки хил аҳвол бизни ажаблантирди. «Октябрь ўн йиллиги» дам олиш уйининг директори И. Федин ҳам дам олувчилар эътирозини эшитиб, ажабланса эҳтимол.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Ж. АБДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбирлари.

«ДЎСТЛИКДА ТОПДИК КАМОЛ»

Қашқадарё область, Қамаши районидаги «Партия XXII съезди» колхозида район партия комитети ва район хотин-қизлар Совети ташаббуси билан Халқаро хотин-қизлар йилига бағишлаб ўтказилган тантанали кеча ана шундай номланди.

5-бригада дала шийпони байрам тусини олган. Кечани район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. Чалаева очди. Шундан кейин ишлаб чиқариш илғорлари сўзга чиқишди.

Кечада аёлларнинг ўтмишдаги оғир ҳаётини акс эттирувчи лавҳалар, янгича маросим, анъаналар ўз ифодасини топган киноленталар намойиш қилинди. Миллий таомлар кўриги айниқса қизиқарли бўлди. Шунингдек, Суворов номли 1-ўрта мактаб бадиий ҳаваскорлари ва «Бўстон» халқ ансамбли иштирокчилари томонидан ижро этилган дилрабо куй ва қўшиқлар йиғилганларни хушнуд этди.

М. ЭЛМУРОДОВА,
ўқитувчи.

КИНОМЕХАНИКЛАР АҲДИ

Район кинолаштириш бўлими ходимлари КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, аҳолига маданий хизмат кўрсатишни тобора яхшиламоқдалар. Тўқкизинчи беш йиллик плани ҳозирданоқ ортиғи билан бажарилди. Томошабинларга беш йиллик пландаги 37 минг ўрнига салкам 39 минг киносеанс кўрсатилди.

Коллективимизда ўз касбининг усталари кўп. Киномеханиклардан Ғ. Ниёзов, Н. Бердиев, Р. Наврўзов, Ё. Фахриевлар аҳолига кино кўрсатишда 1976 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

А. ЙЎЛДОШЕВ,
Қоракўл район кинолаштириш бўлимининг бухгалтери.

ЯНГИ БИЛИМ ЮРТИ

Хатирчи районидаги «Партия XXII съезди» колхози территориясидаги Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетига қарашли 88-ҳунар-техника билим юрти 1975—76 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қила бошлади.

Билим юрти қишлоқ хўжалиги учун электрик-механизатор, трактор-машинист, пиллачилик мастери, қишлоқ электромонтёрлари тайёрлаб беради.

М. СИДДИҚОВ,
Самарқанд.

КЕКСА ҒАЗАЛХОНЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН

ЛЕНИН

Илму ҳақиқат йўлин
Очди жаҳона Ленин.
Халқима тақдим айлаб,
Янги замона Ленин.
Етакчи йўлбошчимиз
Бошлади иқбол томон.
Коммунизм йўлига
Қилди равона Ленин.
Жаҳонда мангу номи
Эл тилида каломи,
Мухлис элин қалбида
Дурри ягона Ленин.
Партияга раҳнамо,
Даҳосидир барҳаёт
Ҳосил этиб муддао
Бўлди ягона Ленин.
Озод ватан халқига
Хизмати Холис унинг,
Қилди совет даврини
Ҳур шодиёна Ленин.

ХОЛИС.
пенсионер.
Каттақўрғон.

* * *

Газетхонлардан тошкентлик Б. Илмуродов, Т. Юсупов, М. Дўстматов, С. Мамарасулов, Ф. Ишенко, самарқандлик Х. Саматов, А. Муродов, Ҳ. Бердиқулов, Қ. Уроқов, Б. Шамсиев, И. Шаропов, Р. Худойбердиев, Ш. Ҳасанов, фарғоналик К. Маматов, Э. Отахонов, М. Аҳмедов, М. Сотиболдиев, андижонлик М. Еқубжонов, Т. Алижонов, М. Абдуллаев, Ж. Турдиев, С. Мавлонов, бухоролик З. Латипов, Ғ. Солиев, сурхондарёлик Ж. Абраев, А. Хўжаёров, Ш. Кенжаев, хоразмлик, А. Матқаримов, қашқадарёлик А. Худойназаров, Э. Бабатов, Ҳ. Назаров, Т. Ҳамидов, Ғ. Қулматов, наманганлик Қ. Тўраев, Ҳ. Ботиров, жиззахлик Г. Бобожонова ва олмаоталик Г. Маралбоевлар ҳам турли темаларда хат-хабарлар йўллаганлар.

СУВЧИЛАР СИНОВДАН ЎТМОҚДА

Туш пайти. Қуёш чўққига чиққан. Бўлимга областдан комиссия келиб қолди.

— Дала ишларининг сифати, сувчиларнинг меҳнатини текшириб юрибмиз дейишди улар.

— Жуда соз. Марҳамат.—Бўлим бошқарувчиси комиссия аъзоларини шийпонга таклиф этди. Улар шийпонга киришиб деворга қоқиб қўйилган жадвал ҳамда схемаларни кўздан кечира бошладилар.

— Сувчилар, механизаторлар мусобақаси жуда яхши ташкил этилибди, — хулоса қилишди комиссия аъзолари. — Қайси сувчи ким билан мусобақалашаётгани, ҳар бир сувчининг кунлик нормаси ва мажбурияти, ниҳоят уларни қандай бажараётгани аниқ-равшан кўрсатиб қўйилибди. Ҳар беш кунда мусобақа шартларига яқун ясаб борилар экан. Мана уларнинг натижалари ҳам бор.

Комиссия аъзолари бўлим ишларидан мамнун бўлишди.

Ҳозир Ильич районидаги «Правда» совхозидаги иккинчи бўлимнинг барча бригадаларида гўзаларга иккинчи ишлов бериш тугалланмоқда. Область ва районлардан келиб текшириш ўтказаётган мутахассислар 2-бўлимдаги гўзаларнинг авжини совхозда ҳам, районда ҳам биринчи ўринга қўймоқдалар. Бу ҳақиқатдан ҳам ана шундай. Пайкалларда барқ уриб ўсаётган, қийғос шона тугиб, бўй чўзаётган гўзаларни кўриб ҳавасингиз келади.

— Кимнинг сувчиси моҳир ва жонкуяр бўлса, кимнинг зарбдор сувчиси кўп бўлса ютуқ ўшанинки, — дейди бўлим бошқарувчиси Мирза Шодиев.—Биз нам сақлаш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш соҳасида ўтган йили анчагина тажрибалар орттирган эдик. Бу йил эса ана шу тажрибаларни янада бойитмоқдамиз. Кам сув билан кўпроқ ҳосил олиш йўлларини қидирмоқдамиз.

Бўлимда ҳар 10 литр сувга биттадан сувчи қўйилган ва уларнинг меҳнати икки сменада ташкил этилган. Бу ерда ўттиз нафар малакали сувчи бор. Аммо, зарур бўлган тақдирда улар 60 тага етказилади. Кекса деҳқон, тажрибали сувчи Норқул Очилов ва унинг шогирдларини шу кеча-кундузда бўлимнинг ҳамма бригадаларида учратиш мумкин.

Эвнинг иссиқ тафтидан дала ҳанғирайди, сув дейди. Ҳар бир томчи сув зарга тенг бўлган далалар бошланди. Тажрибали деҳқон Мирза Шодиев ҳақ гапларни айтди. Ҳозир сувчилар учун энг масъулиятли дамлар бошланди. Сувчи эл-юрт олдида, халқ олдида ғоят катта синовдан ўтмоқда.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЎЛ ҒАЛЛА ҲОСИЛИ

КРАСНОГВАРДЕЙСК, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Булунғур районидаги «Октябрь» колхози эрта кўкламда Андижон область Пахтаобод районидаги «Россия» колхозидан сувли ерларда етиштирадиган «ДЕА—Ўзбекистон» навли арпа уруғи олиб келиб, 15 гектар майдонга экган эди. Текис кўкарган майсалар ўғитланди, икки марта суғорилди.

Колхознинг Мухтор Равшанов бошлиқ ғаллачилик бригадаси арпа ўримини беш кунда тугаллади. Янги навли арпанинг ҳар гектаридан 45 центнердан кирмон кўтарилди. Хўжалик мутахассислари келгуси йили ана шу навдан 250 гектар ерга экишни планлаштирдилар. Бунинг учун 40 тонна уруғлик жамғариб қўйилди. Шунингдек, райондаги бошқа колхозлар ва совхозлар учун талай миқдорда янги арпадан уруғлик етказиб берилди. Бундан ташқари 35 гектар ердаги «унумли арпа» ҳам йиғиштириб олинди. Шундай қилиб, сувли ерлардаги ғалла майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 35 центнердан дон хирмони кўтарилди.

Колхоз 1500 гектар палмикорликда ҳам дон етиштирмоқда. Шу кунларда давлатга ғалла топшириш қизғин давом эттирилмоқда. Бугунгача 600 гектардан ошиқ ердаги ҳосил ўрилди. Комбайнчи Исмоил Фармонов кейинги беш кунликда 113 гектар ердаги ғалланн ўрди. Турди Абдуллаев, Таваккал Хидиров, Саттор Туробов ва бошқа комбайнчилар ҳам 90—100 гектардаги ғалланн ўриб бердилар.

Л. ЭРГАШЕВ.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ!

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

ТЕРМИЗ. **(«Совет Ўзбекистони» мухбиридан).** Шўрчи район халқ маорифи ходимлари июнь ойида райондаги барча мактабларни жорий ва капитал ремонтдан чиқариш бўйича областдаги барча халқ маорифи ходимларига мурожаат қилган эдилар.

Шўрчиликлар оталик ташкилотлари ва юқори синф ўқувчилари ёрдамида муддатидан аввал — 26 июнда Сурхондарё областида биринчи бўлиб мавжуд мактабларнинг ҳаммасининг жорий ва капитал ремонтини тугатдилар. 12 та мактаб капитал ремонтдан сифатли чиқарилди. Кўплаб қўшимча синф хоналари, 5 та мактабда ўқувчилар учун ошхона, 62 та фан кабинети, 5 та медицина пункти ва ўқувчиларнинг тишини даволайдиган кабинетлар қуриб битказилди. Ўз сўзига содиқ шўрчиликлар бу борада областдаги барча халқ маорифи ходимларига ибрат кўрсатишди.

А. ХАЛИЛОВ.

САБЗАВОТ КАРВОН-КАРВОН

Репортаж

Сабзавот қабул пунктига келганимизда маҳсулотлар ортилган икки-учта юк машинаси, иккиучта тележка бор эди. Лекин кўрсаткич тахтасидаги ёзувлар бу ерга кўплаб юк ортилган транспорт воситалари келиб кетганидан далолат берарди. Биринчи рақамни ўқидик: 50 тонна! Ҳа, колхоз давлат тайёрлов пунктига бир кунда эллик тонна картошка топширибди. Бу айтишга осон. Картошкани кавлаш, саралаш, ортиш ва яна йўл босиш учун қанча вақт кетади. Деҳқонларга рақмат, вақт билан ҳисоблашмайди, азаматлар. Ҳосил бўлса, уни тезроқ йиғиштириб олса-ю, шаҳарлик биродарларига жўнатса! Деҳқонлар шундан лаззат олади.

Бунинг устига планлар тўлиб, мажбуриятлар бажарилганидаги деҳқон қувончини кўрсангиз, бир йиллик қийинчилик ва машаққатлар унутилади. Азаматлар бугуннинг нафаси билан яшаётган бўлсалар ҳам эрта ва келажак истиқболини кўзлаб иш тутишади, бугунги чарчоқни унутишиб, эртанинг вазифасини ўйлаб, билакка куч йиғишади. Бу бежиз эмас, албатта. Сабзавотзорда деҳқон меҳнати билан бунёдга келтирилган маҳсулотлардан баҳраманд бўлган кишилар икки қўлини кўксига қўйиб, бунёдкорига раҳмат дейишади. Деҳқонлар учун шунинг ўзи катта бахт!

Охунбобоев номли колхоз бир кунда давлатга 50 тонна картошка топширибди. Ундан қанча хўранда баҳраманд бўлишини кўз олдингизга келтириб кўринг. Заводфабрикаларнинг ишчилари, уларнинг оила аъзолари, студентлар ва ўқувчилар, касалхоналарда даволанаётган беморлар, боғчаларда тарбияланаётган болалар—хуллас, деҳқонлар меҳнати билан бунёдга келтирилган эллик тонна картошка қанча қозонларни қайнатмайди дейсиз.

Ваҳолонки, колхоз районда биринчилардан бўлиб йиллик картошка тайёрлаш давлат планини бажарди, тайёрлов пунктига 1.100 тонна ўрнига 1200 тонна юқори сифатли картошка топширилди. Шу рақамларни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, партия ва ҳукуматимиз сабзавотчиликка ихтисослаштирилган колхозлар ва совхозлар ташкил қилиб, жуда тўғри йўл тутганликларига минг чандон ишондик.

— Бу марра эмас, — дейди ҳамроҳимиз колхоз раиси Зоирхон Жалилов, — фақат эртанги картошканинг ўзидан яна 200 тонна топширамиз.

Бу рақам бизни ўйлатиб қўйди. Қизиқ, картошка майдони кенгайтирилгани йўқ. Лекин биринчи ҳосилданоқ план ошириб бажарилди ва қўшимча икки юз тонна картошка топширамиз дейилянти. Бунинг сабабини раис билан суҳбатда билдик. Миришкор сабзаветкорлар майдонларни органик ўғитлар билан ўғитлабди, минерал ўғитни эса мутахассисларнинг маслаҳати билан жуда оз нормада берибди. Лекин экинлар парваришини бутун чоралар билан кучайтирибди. Сув танқислиги, ҳаратнинг гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасталаб туриши, шамоллар ва бошқа инжиқликларни экинлар парваришини авж олдириш билан бартараф этибди. Шу сабабли ҳамма майдонларда картошкадан юқори ҳосил етиштирилибди. Икки юз тонна қўшимча картошка топшириш масаласига келинганда бу ҳосил нисбатан паст ҳосилли бригадаларни юқори ҳосиллилар даражасига кўтариш йўли билан қўлга киритилибди. Сабзаветкорлар ҳисобдон бўлиб қолишди дейишларининг боиси шу бўлса керак!

Зоирхон ака билан қабул пунктининг бўлинмаларида бўлдик. Янги узилган, терилган, пайкаллардан олиб чиқилган сабзавот маҳсулотларининг ёқимли ҳиди анқиб турибди. Колхоз бир кунда картошкадан ташқари 60 тонна карам, 8 тонна бодринг ҳам жўнатибди. Бу рақамлар нимадан далолат беради?

Аввало, меҳнат аҳли пешана тери тўкиб, ҳамма хил экинлардан юқори ҳосил етиштирибди, сорт масаласига алоҳида эътибор берибди. Қолаверса, улар шу кунларда сабзавотзорларда астойдил меҳнат қилянти, ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун курашянти. Картошка етиштирувчилар ҳам, помидор тайёрловчилар ҳам, карам узаётганлар ҳам — ҳамманинг қўли-қўлига тегмайди, бугун кечагидан, эртага бугунгидан самаралироқ меҳнат қилиш уларнинг шиорига айланган. Акс ҳолда тайёрлов пунктига бир кунда шунча кўп маҳсулотлар тушмаган бўларди. Шуларни ўйлаб, меҳнаткашларнинг дастурхонини тўкин-сочин қилаётган сабзаветкорларга дилимиздан рақматлар айтдик.

Ҳамма ҳам меҳнат қилади, маҳсулотни кўпайтирсам деб ўринади. Лекин тарози ким қандай пешана тери тўкканини кўрсатиб, бировларнинг бошини осмонга етказса, бировларни ер чиздириб кўяди. Охунбобоев номли колхозда режалик иш тутиш билан кўп, таннархи арзон, сорти юқори маҳсулотлар етиштираётган миришкор деҳқонлар жуда кўп. Мисол учун Набихўжа ака Эшонов бригадаси аъзоларини олайлик. Бу йил картошкани ўтган йилдагидан роса ярим ой олдин етиштиришди, барака топкурлар. Бу ҳам майли-я, гектаридан олинадиган ҳосилни уч тоннага кўпайтиришди. Абдужалил Фозилов, Рауфжон Пўлатовлар бригадасида ҳам ҳосилдорлик гектар бошига 15 тоннаданга айланди. Бу кўзда тутилганидан икки тоннадан кўп.

Колхоз сабзаветкорлари эртанги, ўртаки ва кечки экинлардан юқори ҳосил етиштириш билан шуҳрат қозонганлар. Шунисн ҳам диққатга сазоворки, хўжалик ўзини ўзи сараланган, навли, шароитга яхши мослашган, касалликлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига бардошли уруғлар билан таъминлайди. Бу эса ҳосилдорликнинг ошишида катта роль ўйнамоқда. Кўрсаткич тахтасидаги рақамлар якунловчи йилда картошка, сабзи, пиёз, помидори, карам ва бошқа хил маҳсулотларни фақат ҳосилдорликни ошириш йўли билан ўтган йилдагидан бир-бир ярим баравар кўпайтиришга азму қарор қилишган. Қадам олиш, интилиш, кураш ҳам шунга яраша бўлмоқда.

— Шундай қилмасак бўлмайди, — дейди Зоирхон ака Жалилов, — Тошкент шаҳри аҳолисининг сони кўпайяпти, янги қурилишлар қилинянти. Шундай экан, биз ҳам маҳсулотларни кўлайтириб бермоғимиз шарт. Ундан ташқари ердан қайтимни ҳам каттарок олишимиз зарур. Хўжалигимизнинг экономикасини шу йўл билан мустаҳкамлаймиз, қурилиш ва ва ободончилик ишларига кўпроқ маблағ ажратамиз, деҳқонларимиз ҳам кўпроқ пул олади.

— Ҳозир хазинага пул тушиши қандай? — ярим ҳазил, ярим чин маънода гап қотдик.

— Маҳсулотимизнинг миқдори ва сифатидан истеъмолчилар мамнун бўляпти, шунинг ўзи катта бахт. Қолаверса, ҳозирга қадар фақат карамдан 160 минг сўм даромад олдик. Картошкадан эса 260 минг сўм даромад қилдик. Ҳали ўртаги карамга қўл қилганн йўқ.

Раис бу йил помидор, пиёз, сабзи ва бошқа экинлардан ҳам юқори ҳосил етиштирилиши тўғрисида файли яппи даромад кескин кўтарилишини таъкидлади.

Сабзаветчилик хўжаликларида, шу жумладан Охунбобоев номли колхозда ҳам ҳосили йиғиб-териб олинган майдонларга такрор экинлар экиш одат тусига киритилди, дала ишларининг комплекс механизациялаштирилиши ўртаги ва кечки экинлардан ҳам юқори ҳосил етиштириш имкониятини бермоқда. Шу кунга қадар 150 гектар майдонга такрор экинлар экиб бўлинди, ўсимлик қийғос барқ уриб ўсяпти ва катта хирмон кўтарилишидан дарак беряпти.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида бундай дейилади: азиз сабзаветкорлар, боғбон, соҳибкор ўртоқлар, сизларга мурожаат қиламиз: сабзавот, картошка экинлари, боғлар ва токзорларни намунали парваришлангиз, ҳосилдорликни оширишнинг барча мавжуд имкониятларидан фойдаланингиз. Мажбуриятни сўзсиз бажариш учун сабзавот ва мева етиштириш ҳамда давлатга топшириш ишларини авж олдирингиз..

Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз меҳнат аҳли экинлар парваришини Мурожаат асосида ташкил қилиб, якунловчи йил мўл ҳосилига пухта замин яратмоқдалар, юксак социалистик мажбуриятларини қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Сабзавот қабул пунктида бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик, сабзаветлар ортилган карвонлар ҳам шундан далолат беряпти.

Ю. ЗИЁДОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Кейинги йилларда Ўзбекистон мўйқалам усталари сафига талайгина истеъдодли ёшлар келиб қўшилди. Ана шундайлардан бири — Эркин Охуновдир. У рассомчиликнинг мураккаб соҳаси — автолитографияда ҳам ижод қилмоқда. Э. Охуновнинг илҳомбахш ҳаётимизни акс эттирувчи асарларини санъат мухлислари ҳам, мутахассислар ҳам юксак баҳоламоқдалар. Эркин айни чоғда Беньков номли рассомчилик билим юртида ёшларга таълим бермоқда. Суратларда муаллифнинг «Юртдошларим» деб номланган туркум асарларидан намуналар акс эттирилган. 1. «Уч авлод». 2. «Фарзандлар». 3. «Сайроқи экан». 4. «Боқий умр».

ОИЛА ДАВРАСИДА МУТОЛАА

ТЎҚНАШУВ

Ўрта ёшлардаги думалоқ киши билан 17-18 ёшли ориқ ва новчадан келган йигитча жигарранг дермантин қопланган эшик қўнғироғини босишди. Эшикни ўй соҳибининг ўзи — ўрта бўйли, чекка сочларига кумуш оралаган, очиқ чеҳрали киши очди.

— Ассалому алайкум, дўстим, Миракбар, сен билан ҳам дийдор кўришадиган кунлар келар экан-у.... — думалоқ киши бидирлаб кетди.

— Ваалайкум ассалом. Келинглар, келинглар. Зап иш қилипсизларда қани марҳамат, мана бу хонага, юқорига...

— Сўроқлаб-сўроқлаб уйингни ҳам топиб келдик оғайни. Бу бизнинг ўғилча исми Муроджон.

Кейин у ўғлига мурожаат қилди: — Бу амакинг менинг қадрдон дўстим бўладилар, мактабда бирга ўқиганмиз... шўх эдик, олов эдик... хи,хи!

Кеча мундоқ ҳисоблаб кўрсам, мактабни битирганимизга ҳам йигирма йилдан ошиб кетибди. Эх-хе не ўзгаришлар бўлмади дейсан, дўстим, бу йилларда. Мана сен бўлсанг профессор, манаман деган техника институтига бошлиқ бўлиб кетибсан.

— Профессор бўлганим тўғри, лекин институт ректори бўлиб эмас, шу институтда оддий кафедра мудири бўлиб ишлайман.

— Кафедра мудири бўлсанг яна яхши. Атрофингда ходимларинг, ҳамма сени ҳурмат қилади, гапингга қулоқ солади. У китоб жавонларига назар ташлар экан ҳалиям «китобхўр» лигинг қолмабди-да — деди тиржайиб. Миракбар унсизгина жилмайиб қўйди.

— Садирбек, ўзлари қаерда хизмат қиладилар? — сўради мезбон чой узата туриб.

— Торг омборига бошлиқман. Ишимдан нолийдиган жойим йўқ. Одамларга холис хизмат қилиб юрибман. Танқис молни топиб берганингдан кейин боши осмонга етади одамларнинг. Шу дейман мебелларинг андак эскириб қолибди. Бир оғиз сўзинг, хўп десанг импортнийсидан эртагаёқ есть қилиб ташлаймиз.

— Раҳмат оғайни, ҳозирча шу ҳам етиб турибди...

— Шу оғайни ўзингдан қолар гап йўқ. Сен менинг йигирма йиллик, мактабни қўшиб ҳисобласа, ўттиз йиллик дўстимсан. Шу десанг, бу йил ўғилчамиз ўрта мактабни тугатди. Энди буёғига ўзинг бош-қош бўлиб, бир ёрдам қиласан, дўстим!

— О, табриклайман! Баракалло, Муроджон. Қайси мутахассисликни танладингиз, ким бўлиб етишмоқчисиз?

— Қайдам, дадамлар....

— Бунга қолса заводга кириб ишласа, ландавур. Инженер бўласан дедимми-бўласан! Тамом-вассалом! Мана амакинг ёрдам қилиб юборадилар. Вей, сен ҳам мундай ўйлайсанми, ошна-оғайнилар, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар нима дейди? Ҳамманинг боласи олий мактабларда ўқиса-ю кимсан—палончи бўлиб юрган менинг битта-ю-битта ўғлим институтда ўқимаса, — писанда қилди у ўғлига.

— Садирбек, сиз қизишманг. Касб танлаш жуда масъулиятли иш. Қолаверса, олий мактабда ўқиш осон иш эмас. Аттестатдаги баҳолар қалай, ўртача баллингиз қанча? — профессор йигитга мурожаат қила бошлади.

— Уч-у ўн бир....

— Ҳм,.. ҳаммаси бўлиб тўрт баҳоингиз бор, шундаймі?!

Ўғлининг ўрнига отаси жавоб берди:

— Битта беш. Карзинкага коптоқ ташлашдан мерган чиқиб қолди. Шу десанг қачон қараса физкультурадан «аъло» Ке, қўй, у гап бу гапдан айлансин, шу энди оғайни сенга бироз ташвиш орттирдикда. Унга-бунга бориб учрашиш керак, кўндириш керак, дўндириш керак дегандай, бунинг ўзи бўлмайди, албатта. Лекин сен бемалол ҳаракат қилавер, буёғига ўзимиз туриб берамиз!

Миракбар тоқатсизланиб, қизиша бошлади.

— Ия, Садирбек, кимга бориб учрашаман, кимларни нимага кўндиришим керак? Нималар деяпсиз ўзи?!

— Оббо сен-эй, кап-катта профессор одам ўзини ғўлликка солса ажаб туюларкан. Кабул комиссиясида ишлаётганлар, имтиҳонларни қабул қиладиган домлалар, одам эмасми?! Шуларнинг кўнглини овлаб. қурсанд қилиш керак, дўстим. Сен профессурсан, ўн-ўн беш йилдан бери шу даргоҳда дарс берасан, сўзингни ерда қолдиришмас.

— Эх-хе, гап буёқда денг! Энди тушундим. Мустақил ҳаётга қадам қўйишга ҳозирланаётган мана шу Муроджон ҳурмати оддийгина бўлган бир ҳақиқатни Сизга тушунтиришга ҳаракат қиламан. Олий мактаб — бу муқаддас даргоҳ. Ҳаром-ҳариш йўл билан бу ерга суқилиб кирган киши эртами-кечми, ахир, бир кун панд ейди. Конкурс деган гапни эшитгандирсиз. Конкурс ёрдамида ўқишга интилган, ихлосманд ёшлар орасидан фақат биттаси, энг қобилиятлиси, ўрта мактаб таълимини энг яхши ўзлаштиргани қабул қилинади. Ҳар ким, билимига, имкониятига яраша уриниб кўради, имтиҳонлар натижасига қараб баҳоланади. Қаллоблик, кўзбўямачилик, ошна-оғайнигарчилик кетмайди бу ишда!

— Вой-бу Гамлет бўлиб кета. Мен сенинг студентингманмики шунча лекция ўқимасанг. Э, ўргилдим сендақа қадрдондан.

— Дада, нима кераги бор шунақа гапларни...!

— Сен жим тур, баттол!.. Йигирма йил деганда битта ишим тушипти-ку «а» йўқ, «бз» йўқ, қиласан. Нима, бизни анқов, меров, ҳеч нарсани билмайдиган, тушунмайдиган жўн одам деб ўйладингми? Шунча ўқиб юрганларнинг ҳаммаси ўша сен айтган конкурсдан ўтганми? Йўқ эса ҳамма ҳам сенга ўхшаб ошна—оғайни, ёру биродар ёки қариндош-уруғларидан воз кечганми?

Миракбар ўзини босишга ҳаракат қилар, лекин ҳаяжондан бўғилиб, қизишиб гапида давом этарди. — Қабул комиссияларида тер тўкаётган, кириш имтиҳонларини қабул қилишга тайёрланаётган ҳамкасбларимнинг виждони поклигига, қўли тўғрилигига имоним комил. Битта-яримта виждонсиз, нопок, тубан кимса орамизга суқулиб кира олган экан, демак, бу бизнинг бўшлигимиздан, ишимизда камчиликлар борлигидан далолат беради. Лекин бундайларнинг миси чиқиши турган гап. Шахсан менинг ўзим, шундайлар йўлимда учраб қолса таги-томири билан суғурмагунимча тинибтинчимайман, бунга ишонаверсанг бўлади. Пул тўғрисида нақл келтирдинг. Мол-дунёга хирс қўйган шахслар эҳтимол бу нақлга амал қилишар, лекин ёш авлодни тарбиялашга, мутахассис кадрларни етиштиришга унинг даҳли йўқ. Энди дўст-биродарлик, қариндош-уруғчиликка келсак, мени дўст ҳам, қариндош ҳам санама, чунки биз сен билан ҳар хил тилда гаплашдик, бир-бировимизни мутлақо тушуна олмадик. Кечир мени...

Меҳмонлар жигарранг дермантин қопланган эшикдан отилиб чиқиб кетишди.

Аброр ҚОДИРОВ.

СССР ХАЛҚЛАРИ VI ЁЗГИ СПАРТАКИАДАСИ

ДОВОН ОШИЛДИ

Ўз қўлами ва оммавийлиги жиҳатидан СССР халқлари спартакиадалари мамлакатимизда ўтказиладиган бошқа ҳар қандай мусобақадан фарқ қилади. У ёки бу республикада физкультура ва спорт тараққиёти даражаси худди шу спорт анжуманидаги натижаларга қараб баҳоланади. Ҳар бир команда, шу жумладан Ўзбекистон терма командалари бу йилги финал баҳсларида муносиб ўринлар олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Программадаги 30 спорт турининг ярмиси тугади. Спортчиларимиз ҳозирча ўн медаль — битта олтин , учта кумуш ва олтита бронза медаль олдилар.

ВОЛЕЙБОЛ. Москвадаги саралаш мусобақасининг сўнгги ўйинида қозоғистонликларга ютқазиб, эндиликда 7-ўрин учун куч синашаётган эркак волейболчиларимиз Қирғизистон терма командасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

ҚАЙИҚ ҲАЙДАШ. Республикамизнинг донгдор спортчиси Владимир Мустафоев ленинградлик Л. Кошель билан бир қайиқда Москва каналида ўтказилаётган мусобақада муваффақиятли қатнашиб, финалга чиқди.

●

СССР кубоги учун ЦСКА билан «Қайрат» командалари ўртасидаги учрашувда ярим финалда қатнашувчи тўртинчи команда аниқланди. 3:0 ҳисобида ғалабага эришган армиячилар шундай шарафга муяссар бўлишди.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 ЙИЛГИ 3% ли ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЕМИ 72-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1975 йил 30 июнда Новосибирск шаҳрида бўлиб ўтди. ЗАЕМНИНГ ҲАММА ЭЛЛИК ИККИ РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ ВА ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
101527	1—50	40	133632	04*)	500	170636	48*)	500
101908	1—50	40	134179	32*)	500	170761	08*)	500
101976	1—50	100	134791	46*)	1.000	170946	26*)	500
102026	1—50	40	136386	18*)	500	171617	19*)	500
102771	46*)	500	137113	18*)	500	171831	1—50	40
103674	09*)	500	137239	31*)	1.000	171943	07*)	500
104846	33*)	500	137567	36*)	500	172219	12*)	500
104934	05*)	500	137828	10*)	500	173010	20*)	500
105010	09*)	500	139362	04*)	500	173195	10*)	500
105042	19*)	500	140362	29*)	500	173635	49*)	500
105365	04*)	500	142014	1—50	40	174174	03*)	500
105407	34*)	500	142292	1—50	100	174177	17*)	500
106353	16*)	500	143575	1—50	40	174281	1—50	40
108148	1—50	40	144166	39*)	500	174414	20*)	1.000
108195	28*)	2.500	145767	40*)	500	174464	14*)	500
108322	42*)	500	146255	1—50	40	174861	1—50	40
108525	1—50	100	147040	33*)	1.000	174908	1—50	40
108647	29*)	500	148329	08*)	500	175779	34*)	500
108950	49*)	500	148388	43*)	1.000	176365	49*)	500
109329	44*)	500	149053	50*)	500	176425	1—50	40
109600	50*)	500	150053	21*)	500	177226	1—50	40
109636	27*)	1.000	150466	18*)	1.000	178024	1—50	40
110294	31*)	500	151032	04*)	500	179002	29*)	500
110865	1—50	40	151787	1—50	40	180023	1—50	40
111369	38*)	500	154075	37*)	1.000	180314	1—50	40
111979	50*)	500	154727	33*)	1.000	180622	17*)	500
112150	42*)	500	155122	1—50	40	180770	25*)	500
112467	42*)	2.500	155787	01*)	500	180823	07*)	500
113995	1—50	100	155807	16*)	500	181665	19*)	5.000
114421	28*)	2.500	158061	39*)	500	181823	42*)	500
114858	19*)	500	158069	1—50	40	181940	34*)	1.000
115508	04*)	500	158218	36*)	500	181956	35*)	500
115817	21*)	500	158775	42*)	500	182008	02*)	500
116273	43*)	500	158884	49*)	500	182953	1—50	40
116880	1—50	100	158942	17*)	500	183089	14*)	1.000
118781	22*)	500	159766	48*)	2.500	183923	1—50	40
119592	43*)	1.000	159926	28*)	500	184566	08*)	500
119914	1—50	40	159998	1—50	100	184926	29*)	500
120384	17*)	500	160713	19*)	1.000	184940	06*)	5.000
120517	18*)	500	160847	46*)	500	185435	04*)	500
121202	40*)	500	160880	20*)	500	186213	1—50	40
122101	21*)	500	161425	1—50	40	186380	27*)	500
122421	08*)	1.000	161921	28*)	1.000	186581	45*)	500
122914	46*)	500	162701	1—50	40	187155	1—50	100
123467	09*)	500	162786	38*)	500	187855	1—50	40
124502	1—50	100	163261	17*)	2.500	189502	1—50	100
124985	32*)	500	163292	17*)	500	190623	24*)	500
125026	43*)	500	163761	40*)	500	190840	28*)	500
126593	07*)	500	163983	1—50	100	191536	01*)	500
127380	45*)	1.000	164148	1—50	100	191643	12*)	1.000
128477	1—50	100	164152	20*)	500	191710	33*)	500
128998	1—50	40	165163	27*)	1.000	192680	18*)	500
129481	37*)	500	165245	1—50	40	194432	50*)	1.000
129636	08*)	500	165804	1—50	40	194574	07*)	500
129924	46*)	500	165816	1—50	40	195274	05*)	500
130348	13*)	500	166220	1—50	40	195480	28*)	1.000
130736	26*)	500	166224	1—50	100	196008	03*)	500
131001	1—50	40	167265	17*)	500	196033	04*)	500
131370	1—50	40	167548	09*)	500	197645	1—50	40
131668	1—50	40	168574	48*)	500	197916	1—50	40
132244	41*)	500	169509	24*)	500	199492	25*)	500
133060	1—50	100	169749	39*)	500	199684	48*)	500
133212	34*)	500	170621	1—50	100			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари газетанинг янги сони келганидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — Новосибирск область меҳнаткашлар депутатлари Совети раисининг ўринбосари — Ф. Ф. ГЛУШКОВ.
Комиссиянинг масъул секретари — Л. П. ЕСИНА.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Санъат гунчалари. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Бугун — халқаро кооперация куни. 18.45 — **«Ахборот»**. 19.00 — Галла — ризқи-рўзимиз. 19.30 — Ишчи шон-шуҳрати клуби. 20.55 — **«Ахборот»**. 21.15 — Спорт кўрсатуви. 22.45 — Концерт. 23.40 — Телефильм. 24.00 — **«Вақт»**. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.30 — Ўқув кўрсатуви. 11.00 — **Экран ҳандаси**. 11.40 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 12.05 — **Унутилган одам** (спектакль). 13.55 — Ўқув кўрсатуви. 17.45 — МОСКВА. 18.45 — **Ташвишланманг онажон** (спектакль). 21.00 — Янгиликлар. 21.15 — ТОШКЕНТ. 21.45 — **Оламга саёҳат**. 22.45 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.15 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Иккинчи ҳақиқат — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (11.00, 13.00, 14.40, 17.00, 21.00, 21.40), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Вальтер Сараевони ҳимоя қилади — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Соколово — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Улар Ватан учун жанг қилдилар — «ДРУЖБА» (12.00, 15.10, 18.00, 19.00).

Туҳмат қурбони; Тонг — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Маттеи иши — «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Жанжалга тайёрмиз — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Бир ишёқмас ҳаётидан — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45).

Вальтер Сараевони ҳимоя қилади — «ХИВА» (20.45).

Тошкент гўшт комбинати ҳузуридаги Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати корхоналари учун малакали ишчи кадрлар тайёрлайдиган

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

1975—1976 йиллар учун ИИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқув комбинати қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: ҳамма турдаги молларни сўювчи саллохлар (қассоблар), гўштни суяқдан ажратувчилар ва сорта ажратувчилар, колбаса тайёрловчи ва батонларини боғловчилар ҳамда шприцовщиклар, сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришда пастеризациялаш-совутиш установкаларининг аппаратчилари, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш установкаларини созлаш слесарлари.

Ўқувчилар стипендия, 3 маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганлар махсус мутахассислик бўйича аттестат оладилар.

Ўқиш муддати 6 ойдан 1 йилгача.

17—35 ёшлилар қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни қабул комиссиясига топширишлари керак: Директор номига ёзилган ариза ва таржимаи ҳоли, 7-10-синфларни битирганлиги ҳақида ҳужжат, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка, 4 та фотосурат (3x4 см.) гўшт ва сут комбинатидан йўлланма.

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Байнал-Милал кўчаси, 5-уй, Тошкент гўшт комбинати (11, 2, 13, 14, 27, 30, 60-автобуслар ва 2, 3, 6, 7-троллейбусларнинг «Бируний номли майдон» бекати).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

6 ИЮЛЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА СССР биринчилиги учун олий лиганинг «ЗАРЯ» (Ворошиловград) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Дублёрлар 5 июль кеч соат 7 да учрашадилар.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

7 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 17.30— ТОШКЕНТ. 17.35 — Қўғирчоқ фильм. 18.00 — Очиқ эшиклар куни. 18.30 — **«Ахборот»**. 18.45 — «Полиндошлар». 19.15 — Беш йиллиқни муддатидан илгари бажарамиз (Москва). 20.05 — Ўн минут музыка. 20.15 — **«Ахборот»**. 20.35 — **Ўн тўққизлар комитети** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Пахта далаларининг қаҳрамонлари. 22.45 — Фильм-концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — МОСКВА. 10.05 — Гимнастика. 10.20 — Янгиликлар. 10.30 — «Зарница-75». 11.00 — **Мўъжизасиз мўъжизалар.** 12.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 15.35 — Ҳужжатли фильм. 16.05 —Адабий кўрсатув. 17.00 — Онамларнинг мактаби. 17.30 — **Миллуха-Маклай** (бадиий фильм). 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.05— «Камалак». 20.35 — Фильм-спектакль. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.30 —ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

8 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.25 — ТОШКЕНТ. 17.30 — Қувноқ пионер ёзи. 17.50 — Кинопрограмма. 18.45—«Тенгдошлар». 19.15 — **«Ахборот»**. 19.30 — **Ўн тўққизлар комитети** (2-серия). 20.40 — **«Ахборот»**. 21.00 — Театр учрашувлари. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.25 — МОСКВА. Бадиий фильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Топишмоқлар ва жавоблар. 19.30—Концерт. 20.05— «Инсон ва қонун». 20.35 — СССР Олий Совети депутатлари ҳикоя қиладилар. 20.45 — **Етти энага** (бадиий фильм). 22.00 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 — Оқ йўл. 00.10—Спорт кундалиги. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Телефильм. 20.35 — Кўча ҳаракати қоидаларини ўрганамиз. 21.35 — Тошкент янгиликлари. 21.50 — **Марду майдон** (бадиий фильм).

9 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Телефильм. 18.30 — Ўсмирлар учун кўрсатув. 19.10 — **«Ахборот»**. 19.25 — **Утган кунлар** (бадиий фильм). 21.00 — Шеърият мухлисларига. 21.10. — **«Ахборот»**. 21.30 — Концерт. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30—«Мураббийлар». **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — МОСКВА. **Эски шахта сири** (бадиий фильмнинг 1-2 сериялари). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Концерт. 19.30 — Целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари ва қурилишларида. 20.00 — Фильм-концерт. 20.30 — **Оловнинг бўйсундирилиши** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 20.00 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 23.30 — Спортлото. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Киноальманах. 20.45 — Тошкент янгиликлари. 21.00 — Ўқитувчи экрани. 21.30 — Телеспектакль.

10 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — Санъат гунчалари. 18.45 — «Прогресс» программаси. 19.15 — **«Ахборот»**. 19.30 — Социализм дунёси (Москва). 20.00 — Ота-оналар университети. 20.30 — Фильм-концерт. 20.50 — **«Ахборот»**. 21.10 — СССР халқлари адабиёти. Г. Марков. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — **Пахта ва сув**. 22.50 — Танбур тароналари. 23.20 — Спорт кундалиги. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.55 — МОСКВА. **Эски шахта сири** (3—4-сериялари). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қўёш акси бор. 19.30 — Харидорлар клуби. 20.00 — Концерт. 20.30 — СССР Олий Совети депутатлари ҳикоя қиладилар. 20.45 — **Оловнинг бўйсундирилиши** (2-серия). 22.00 — Шифокор экрани (Тошкент). 22.30 — Театр учрашувлари. 24.00—СССР халқлари спартакиадаси. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Қувноқ дўстлар. 20.35 — Музикали кўрсатув. 21.15 — Тошкент янгиликлари. 21.30 — Реклама. 21.45 — Бадиий фильм.

11 ИЮЛЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — «Камалак». 19.00 — Биз ишчи бўламиз. 19.30 — **«Ахборот»**. 19.45 — Жаҳоннинг машҳур композиторлари. Л. Бетховен. 20.30 — Дугоналаримиз ҳаётидан. 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Адабий кўрсатув. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — **Олтин қўллар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.30 — ТОШКЕНТ. 18.30 — МОСКВА. **Эски шахта сири** (5-серия). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Концерт. 20.25 — **Тоғлар қироли ва бошқалар** (бадиий фильм). 22.00 — «Здоровье» (Тошкент). 22.30 — Останкино концерт студияси таклиф этади. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Тошкент ва тошкентликлар. 20.40 — Телефильм. 20.25 — Тошкент янгиликлари. 21.40 — Қаерда ўқимоқчисиз? 21.55 — Жанговар постда. 22.25 — **Урмон қиссаси** (бадиий фильм).

12 ИЮЛЬ, ШАНБА,

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 14.00 — **Денгиз овчиси** (бадиий фильм). 15.10 — **«Здоровье»**. 15.40 — «Москвичка». 17.05 — **Ҳайвонот оламида.** 18.05 ТОШКЕНТ. 18.10 — «Юлдузча». 18.45 — **«Ахборот»**. 19.00 — Идеология ва ҳаёт. 19.30 — Ўн минут музика. 19.40 — Аёллар, сизлар учун. 20.00 — **«Ахборот»**. 20.20— Концерт. 21.00 — **Футбол:** «Спартак» — «Динамо» (К). 22.50 — **Пазанда** (кинокомедия). 24.00 — **«Вақт»**. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Кинопрограмма. 10.50—**Телеминиатюралар.** 11.30— Қишлоқда яшайсанми, техникани бил. 11.55 — Ўқув кўрсатуви. 12.25 — **Олтин калитча** (бадиий фильм). 13.40 — Ўқув кўрсатуви. 14.10 — **«Мураббийлар»**. 18.05 — МОСКВА. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — СССР халқлари спартакиадаси. 19.40 — **Қашшоқ студент** (спектакль). 21.00 — ТОШКЕНТ. 21.45— Телефильм. 22.50 — МОСКВА. 23.20 — Марказий телевидение экранида Чарли Чаплин иштирок этган фильмлар: **Дайди, Судхўрнинг дўкони. УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.05 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

13 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.10 — ТОШКЕНТ. 18.15 — Камалак. 18.50 — Партком ва социалистик мусобақа. 19.15 — **«Ахборот»**. 19.30 — Бугун — Балиқчилар куни. 19.40 — **Телеминиатюралар.** 20.20 — **«Ахборот»**. 20.40 — Концерт. 21.30 — МОСКВА. **«Вақт»**. 22.00 — **Футбол:** «Динамо» (М) — МАСК. 22.45 — Кинопанорама. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.30 — **Қўлни бер, Қоплон** (бадиий фильм). 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.05 — Меҳримиз, қалбимиз қўри, сизга аёллар. 13.10 — Кино экран янгиликлари. 13.40 — Нафосат оламида. 18.10 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.35 — Цирк томошалари. 20.00 — Қиличбозлик бўйича Европа чемпионати. 20.15 — Совет Иттифоқи чет эллик дўстларимиз нигоҳида. 20.30 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 21.30 — ТОШКЕНТ. 22.00 — Бадиий фильм. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000 ГСП. Тошкент «Правда Востока» кўчаси № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142

Р. 01568. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583 Б. — 156.